

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқукида

ЗОКИРОВ КОМРОНМИРЗО

**КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ВА ҚУЛОҚЛАШТИРИШДА
ЖАЗО ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ МАСАЛАСИГА
ДОИР (1929 – 1933-йиллар)**

Ихтисослик: 5А 220201 «Ватан тарихи»

Тарих магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.

Ўзбекистон тарихи кафедраси
мудири: **проф. Р.Т. Шамсутдинов** _____

Илмий раҳбар:
т.ф.н. М.Ғ. Абдуллаев _____

«__» _____ 2011 й.

Андижон-2011

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

**I боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЁППАСИГА
КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЖАЗО ОРГАНЛАРИНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ**

**I. 1. Коллективлаштириш сиёсати бошланғичида ОГПУ органлари
фаолияти**

**I. 2. Қулоқларни синф сифатида тугатиш кампаниясида жазо органлари
иштироки**

**II боб. ҚУЛОҚЛАР СУРГУНИ ВА УНДА ЖАЗО ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИ**

**II. 1. Қулоқ оилаларининг сургун қилиниши ва унинг репрессив
механизми**

II. 2. Жазо органлари томонидан махсус посёлкалар назорати . .

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Тоталитар тузумга асосланган собиқ совет иттифоқининг парчаланиши, ҳукмрон коммунистик мафкуранинг кулаши, Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши ўзбек халқининг кўп йиллик орзу умидларининг тантанаси бўлди.

Кулаган тоталитар тузум даврида «биз мустамлакагина бўлиб қолмай балки, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На чор ҳукумати, на қизил империя салатанати Туркистон халқларининг тараққий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмакон бу ўлка, ҳалол, меҳмондўст халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди»¹.

Мустақиллик шароитида ва туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш, миллий ўзлик ва ўзига хосликни яхлит тарзда англаб етган, эркин демократик тафаккурга эга бўлган ва мустақкам миллий ғоя кучи билан бирлашган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини хал этишда тарих фанининг роли жиддий равишда ортмоқда. Республикамиз президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «тарих хотираси халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзлигимизни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида муҳим ўрин тутди»².

Президент И.А.Каримовнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш муаммоларига бағишланган чиқишларида тарих фанининг маънавий салоҳиятини сафарбар этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасидаги ҳаракатларнинг кенг дастури, танланган мустақиллик ва тараққиёт йўлидан бориб, мўлжалланган мақсадларга эришишнинг мустақкам илмий асоси белгилаб берилди. Уларда жамият тараққиётининг реал қонуниятларини чуқур ўрганиш зарурлиги, миллий тарихдаги юксалиш ва танглик давларини янгича методологик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилиш, чор ва совет мустамлакачи-империя тузумларининг кўрсатган бузғунчилик таъсирига доир омилларини аниқлаш, аввалги мафкуравий андозалар ва эскича тафаккур кўринишларининг такрорланишига барҳам бериш йўллари белгилаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомилга эришувида тарих фанининг таъсирини кучайтириш зарурлиги қайд қилинган.

Ана шу муҳим ижтимоий вазифалардан келиб чиқиб, ватанимиз тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган саҳифаларига бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳо бериш долзарб аҳамият касб этади. Уларга мурожаат қилишга бўлган юксак ижтимоий эҳтиёж ва унинг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, совет ҳокимияти йилларида ўтказилган диктаторлик сиёсати оқибатида совет ҳукмронлиги даври тарихи ниҳоятда сохталаштирилиб, бузиб кўрсатилди. Узоқ йиллар мобайнида бизнинг онгимизга коммунистик режимнинг Ўрта Осиёдаги «цивилизаторлик вазифаси» тўғрисидаги, ўлканинг «қолоқ» халқлари марказнинг давлат бошқаруви натижасида гўё зўр муваффақиятларга эришганлиги ҳақидаги афсона астойдил тарғиб қилинди. Лекин бунда совет ҳокимияти амалга оширган қатағон сиёсатларининг салбий моҳияти ҳақида лом-мим дейилмади, кўпгина салбий ҳолатлар ҳаспўшланиб, ёки сохталаштирилиб кўрсатилди.

Мустақиллик йилларида малакатимиз олимлари мустамлака ўтмишининг ҳаққоний солномасини яратиш соҳасида муайян ишларни амалга оширдилар. Шундай бўлса ҳам, улар ҳали дарёдан томчи ҳисобланади. Мустамлакачилик зўравонлиги даври тарихи кўп

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993. 173-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 140-бет.

жихатдан ҳали «оқ доғлар» ва «қора ўпирилишлар» билан ажралиб туради. Булар жумласига совет ҳукуматининг Ўзбекистонда амалга оширган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш жараёнида қишлоқ аҳолисига нисбатан қўллаган зўравонлик, аниқроғи қатағончилик сиёсати масалалари ҳам тааллуқли ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1929-1932 йилларда амалга оширилган ёппасига коллективлаштириш сиёсати ва у билан боғлиқ муаммолар яқин даврларгача тўла ўрганилган деб келинди. Бироқ, бугунги кунда республикамизда совет даври тарихини ҳар тарафлама, ҳаққоний ўрганиш натижасида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати ва амалиёти тарихининг бизга қоронғу бўлиб келган қатор муаммо ва масалалари намоён бўлмоқдаки, уларни бугунги кун талаблари бўйича, ҳар тарафлама ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятлари бўйича ўрганиш, таҳлил қилиш, назарий хулосалар чиқаришни тақозо қилмоқда. Зеро, советлар даври тарихида содир бўлган кўплаб мудҳиш воқеа-ходисалардан далолат берувчи архив манбалари узоқ йиллар “мутлоқо махфий” тамғаси билан сақлаб келинди. Мустабид тузум қулагандан кейингина мазкур ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти юзага келдики, бу ҳол коллективлаштириш тарихига тамоман бошқача нуқтаи назардан баҳо беришни кун тартибига чиқариб қўйди.

Мустақиллик йилларида ватанимиз сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида буюк ўзгаришлар юз бериб, тарихимизнинг 1930 йиллар воқеаларини янгича мушоҳада этиш, баҳолаш, танқидий ўрганиш, ҳолисона ёритиши сари қадам ташланмоқда. Бу масалаларни ўрганишга қизиқиш ва эҳтиёжлар ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсати ва бу билан боғлиқ масалалар узоқ йиллар давомида фақат бир тарафлама, коммунистик мафкура талаблари бўйича ёритилди. Бу масаланинг бир қатор зиддиятли, салбий ҳолатлари яшириб ўтилди ёки сохталаштириб талқин қилинди. Айнан шу муаммоларни ҳолисона ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг совет даври тарихидаги ўрганилиши долзарб бўлган масалалардан бири – қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнида совет жазо органларининг ўрни ва роли масаласидир. Советлар ҳукмронлиги даврида яратилган илмий адабиётларда ушбу масала деярли ёритилмаган. Мазкур адабиётларда коллективлаштириш сиёсати бир текис, ҳеч қандай норозиликларсиз амалга оширилгани ва ижобий аҳамиятга эга бўлгани баён қилинган. Бу сиёсатни амалга ошириш жараёнидаги зўравонлик ва қонунбузарликлар, совет ҳокимиятининг жазо органи бўлмиш ОГПУ органларининг қишлоқ аҳолисига нисбатан қўллаган жазо чоралари, унинг мудҳиш оқибатлари ҳусусида лом-мим дейилмаган.

Мавзунинг долзарблиги яна шу билан изоҳланадики, коллективлаштириш даврида бу сиёсатдан норози бўлган деҳқонлар асоссиз равишда жазо органларининг тазйиқига, зўравонлигига учрадилар. Мустабид тузум ўз фуқароларига қарши оммавий жазо – репрессив чораларни кенг қўллади. Оқибатда қишлоқ аҳолисининг асрлар мобайнида шаклланган урф-одат ва қадриятлари ва инсонийлик ҳуқуқи кўпол равишда топталди. Жазо органларининг қатағон амалиёти натижасида ўзбек қишлоғига хос бўлган тадбиркорлик, мулкка эгалик, меҳнатдан манфаатдорлик ҳисси каби қадриятлар бўғиб қўйилди ва йўқ қилинди. Ўзбек қишлоғидаги ижтимоий қатламлар орасига ўзаро адоват, душманлик солинди.

Коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнидаги совет жазо органларининг тутган ўрни ва ролини ҳаққоний ва ҳар тарафлама ўрганиш орқали совет тузумининг асл қиёфасини очиб бериш, яқин ўтмишимизда юз берган мудҳиш фожиаларни мушоҳада қилиш миллий ўзлигимизни англаб етишда ҳамда ўтмиш сабоқларидан тўғри хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълум маънода мавзунинг долзарблиги тарихшунослигимизда мавжуд бўлган камчиликларни тўлдириш билан ҳам белгиланади. Ўзбекистонда 1929-1932 йилларда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва кулоқлаштириш жараёнида жазо органларининг ўрни ва фаолияти муаммоси алоҳида диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Айни шу ҳолатдан келиб чиқиб, биз мазкур мавзунинг магистрлик диссертациясининг ўрганиш объекти сифатида белгиладик.

Мавзунинг тадқиқ қилинганлик даражаси. Ўрганилаётган муаммо тарихшунослигини икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Совет даврида яратилган илмий асарлар
2. Мустақиллик йилларида яратилган монографиялар ва тадқиқот асарлари.

Биринчи гуруҳга мансуб асарларнинг барчаси совет даври андозалари асосида, синфийлик назарияси бўйича яъни, коммунистик мафкура ғояси руҳида яратилган¹. Шу сабабли ҳам тадқиқотчилар масаланинг барча мураккаблиklarини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий баҳо бера олмаганлар. Кўплаб ҳаққоний далиллардан четлаб ўтилган, коллективлаштиришнинг салбий жиҳатлари атайлаб яшириб кетилган. Мазкур асарларда тарихий воқелик тўла ва ҳаққоний акс эттирилмаган, воқеа-ҳодисалар ўта сиёсийлаштирилиб кўрсатилган.

Совет ҳокимияти йилларида бевосита кулоқларни синф сифатида тугатиш масаласига бағишланган бир қатор тадқиқот ишлари ҳам яратилдики, уларда “кулоқларни синф сифатида тугатиш” жараёнидаги совет жазо органлари фаолияти кўкка кўтариб макталган. Қишлоқдаги йирик ер эгалари ва бадавлат, ўзига тўқ хўжаликларнинг тугатилиши, мол-мулкларининг мусодара қилиниши «феодал қолдиқларнинг йўқ қилиниши», «социалистик тузумнинг ғалабаси» сифатида баҳоланган².

Аслида қизил империя ҳукмронлиги даврида “кулоқ”, “муштумзўр”, “қишлоқ буржуазияси”, “аксиникилобчи”, “халқ душмани”, “колхоз душмани”, “ёт унсур”, “капиталистик унсур” каби ҳақоратомуз номлар билан аталган қишлоқ аҳолисининг вакиллари, умуман, қишлоқ оммасига нисбатан расман геноцид қўлланилган эди. Тарихимиздаги бундай аламли, армонли саҳифасини, ҳақиқий аҳволни ёзишнинг имкони

¹ Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. – Т., Госиздат УзССР, 1950; Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т., Госиздат УзССР, 1957; Ўша муаллиф. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг.). – Т., Узбекистан, 1967; Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. (1925-1929 гг.). – Т., «Фан», УзССР, 1969; Ўша муаллиф. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.). – Т., «Фан», УзССР, 1977; Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане (1929-1933 гг.). – Т., «Фан», УзССР, 1969; Тулепбаев Б.А. Осуществление ленинской аграрной политики партии в республиках Средней Азии. – М., «Мысль», 1967; Ўша муаллиф. Торжество ленинских идей социалистического преобразования сельского хозяйства в Средней Азии и Казахстане. – М., «Наука», 1971; Саидалиев С.С. Борьба за осуществление ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т., Госиздат УзССР, 1958; Непомнин В.Я. Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917-1937). – Т., Госиздат УзССР, 1960; Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т., «Узбекистан», 1970; Ўзбекистон ССР тарихи. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. –Т., «Фан», 1971; Исторический опыт строительства социализма в республиках Средней Азии, –М., «Наука», 1968; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. –Т., 1964; ва бошқалар.

² Глезерман Г. Ликвидация эксплуататорских классов и преодоление классовых различий в СССР. –М., 1949; Дробижев В. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. –М., 1966; Трифонов И.Я. Очерки истории классовой борьбы в СССР в годы НЭПа (1921-1937гг.) –М., 1960; Ўша муаллиф. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. –М., «Политиздат», 1975; Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. –М., 1961; Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929-1932 гг.) –М., «Наука», 1972; Саидалиев Э.С. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане в годы первой пятилетки.// Автореф. дисс.канд.ист.наук.–Т., 1979.

бўлмаганди. Бундай ҳаққоний тарихни яратиш комфирқа ва советлар учсун керак эмасди. Аксинча режим тарихни сохталаштиришни, бузиб талқин қилишни хоҳларди. Имкон қадар ўзининг халққа қарши қаратилган сиёсати, амалиётини халқдан яширишга ёки уни сохталаштириб, тарғиб қилишга уринган эди. Тадқиқотчилар замона зайли, ҳукмрон мафкура босими билан Ўзбекистондаги, умуман, бутун собиқ СССРдаги аграр ўзгаришларни, коллективлаштириш, қулоқ қилиш, қулоқ оилаларини сургун қилиш жараёни ва улардаги хунрезликлар моҳиятини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий ёндошмаганлар. Воқеликни чинакам акс эттирувчи ҳужжатлар махфийлик тамғаси билан сақланаётганлиги боис, ҳақиқий далилларни четлаб ўтишга, барча воқеа-ходисаларни ижобий баҳолашга, салбий жараёнларни атайин тушириб қолдиришга мажбур бўлганлар.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида совет давлатида бошланган “қайта қуриш” йилларида, кейинчалик СССР парчаланиб, мустақил давлатларнинг ташкил топганидан кейин тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Тарихий жараёнларни тадқиқ этиш, ўрганишдаги синфийлик, партиявийлик каби мафкуравий тамойиллардан воз кечилди. Мустақиллик йилларида совет даври тарихини тамоман янгича талқинда тадқиқ этиш, тарихимиз қандай кечган бўлса, шундайлигича ўрганишга киришилди. Советлар ҳукмронлиги даврида сохталаштирилган, яшириб кетилган воқеа-ходисаларни ҳаққоний ўрганишга шароит вужудга келди. Хусусан, 1930-1932 йилларда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқлаштириш билан боғлиқ фожиалар тадқиқотчилар томонидан ҳақиқий манбаларга таянилиб ўрганила бошланди.

Қулоқ оилаларининг сургун қилиниши, сургундаги қулоқларнинг аянчли тақдири масаласи дастлаб россиялик тарихчи-олимлар томонидан тадқиқ этила бошлади. Бу ўринда россиялик тадқиқотчилардан Н.А. Ивницкий, В.Н. Земсков, В.П. Данилов, И.В. Зеленин, Д. Волкогонов, В.П. Попов, Н. Михайлов, Н. Тепцовларнинг янги тадқиқотларини¹ кўрсатиб ўтиш лозимдир. Бу тадқиқотлар айни мавзу тарихшунослигининг иккинчи гуруҳига мансубдир.

Мазкур тадқиқотларда советларнинг қулоқ қилиш сиёсати, бу кампанияни амалга оширишда совет давлати ва унинг жазо органи бўлмиш ОГПУ органларининг қишлоқ аҳолисига нисбатан олиб борган зўравонлик сиёсати, қулоқ қилиш ва қулоқ оилаларини сургун қилишдаги репрессив методлар бирламчи архив манбалари орқали очиб берилган.

В.П.Данилов жамоалаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари қаторида «қулоқ қилиш» сиёсати ҳақида ҳам тўхталиб, унинг натижасида кўплаб тўқ хўжаликлар хонавайрон бўлиб, бегуноҳдан-бегуноҳ турли жазоларга тортилганини асосли қоралаб чикди. Бу хўжаликларнинг йўқ қилиниши оқибатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин камайиб кетганлиги ва бундан халқ хўжалигига етган улкан зарар муаллиф томонидан далиллар асосида кўрсатилган.

Дехкон хўжаликларининг қулоқ қилиниши, “қулоқлар сургуни”, мамлакатнинг турли минтақаларига бадарға этилган “махсус кўчирилганлар” тақдири, тарихи, сургун қилиш жараёни, сургундагиларнинг аянчли аҳволи В.Н.Земсков қаламига мансуб тадқиқот ишларида² ўз аксини топди. Бу мақолаларда собиқ иттифоқ ҳудуди доирасида

¹ Данилов В.П. Коллективизация: как это было? // Страницы истории советского общества: люди, проблемы, факты. – М.: «Политиздат», 1989. – С. 228-250; Ўша муаллиф. Коллективизация... // Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: «Политиздат», 1989. – С. 355-400; Зеленин И. Е. Осуществление политики ликвидации кулачества как класса. // «История СССР». – М.: 1990, № 6; Волкогонов Д. Триумф и трагедия. И.В. Сталин. Политический портрет в двух книгах. – М.: 1989; Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документам НКВД-МВД СССР. // «Социологические исследования», 1990 № 11; Ўша муаллиф. «Кулацкая ссылка» в 30-е годы. // «Социологические исследования», 1991 № 10; Михайлов Н, Тепцов Н, Чрезвычайщина, // «Родина», 1989, №5. ва бошқалар.

² Қаранг: Земсков В.Н. Спецпоселенцы (по документам НКВД-МВД СССР) //«Социологические исследования». – М., 1990. №11; Ўша муаллиф. «Кулацкая ссылка» в 30-е годы. - // «Социологические

махсус посёлкалардаги “қулоқлар” қисмати ёритилган. Уларда қисман Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкаларидаги аҳвол ҳам ўз ифодасини топган. Энг муҳими, бу тадқиқотларда қулоқлаштиришни ўтказишда ҳамда қулоқлар сургун қилинган махсус меҳнат посёлкаларини ташкил этиш, уларни маъмурий жиҳатдан бошқаришда жазо органларининг фаолияти батафсил ёритиб ўтилган.

Таниқли олим Н.А. Ивницкийнинг монографик тадқиқотида¹ ҳам биз ўрганаётган мавзунинг муҳим қирралари бутун иттифоқ мисолида ёритиб ўтилган. Чунончи, қулоқ қилиш сиёсатидан кўзланган мақсад, унинг зўравонлик билан ўтказилиши, қулоқ қилиш ва қулоқларни сургун қилишда ОГПУнинг ўрни ва роли, бошқа минтакаларга сургун қилинган қулоқ оилалари миқдори, сургун қилинганларнинг бегона ўлкалардаги аянчли ҳаёт тарзи қатор далиллар асосида ёритиб ўтилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда коллективлаштириш ва қулоқ қилиш сиёсати мавзуга доир адабиётларнинг иккинчи гуруҳига кирувчи, услуб ва сифат жиҳатдан аввалгилардан тамоман фарқ қиладиган асарлар юзага келди. Таниқли тарихчи олима, академик Р.Х.Аминова ўзининг мақолалари ва рисоласида² коллективлаштириш сиёсатининг зўравонликка асосланган, қишлоқ ва деҳқонлар манфаатига тамоман ёт бир иллат эканлигини далиллар асосида исботлаб берди, тоталитар тузумнинг бу хато сиёсатини кескин танқид остига олиб, унинг салбий оқибатларини кўрсатиб, “қулоқ қилиш” сиёсатининг зўравонликка, қатағонлик усуллари асосланганлигини далиллар асосида фош этишга ҳаракат қилди.

Андижон давлат университети профессори Р.Т.Шамсутдиновнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун қилинган қулоқ оилаларининг тақдири масалаларига бағишланган қатор монографик тадқиқотлари³ ўзбек тарихшунослигига қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Бу асарларда муаммонинг халигача ўрганилмаган кўплаб жиҳатлари қаторида қулоқларни синф сифатида тугатиш, сургун қилиш, махсус посёлкаларни ташкил этиш ва уларни бошқаришда ОГПУ органларининг фаолияти масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, Р. Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” номли китобида мазкур масалалар Ўзбекистондаги ва хориждаги марказий архивларда сақланаётган ҳужжатларга асосланган ҳолда, Ўрта Осиё республикалари мисолида ўрганилган.

2000 йилда нашр қилинган катта ҳажмдаги фундаментал тадқиқот ишида⁴ ҳам Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, қулоқ қилиш, бунинг амалга оширишда совет ҳукуматининг ва жазо органларининг зўравонликлари масалаларига янгича қарашлар асосида баҳо берилган.

Мазкур масала тарихшунослигининг муҳим қирралари Д. Алимова таҳрири остида профессор Р.Т. Шамсутдинов, доцент Б.М. Расуловлар томонидан тайёрланиб, нашр

исследования». – М., 1991. №10; Ўша муаллиф. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой Отечественной Войны. // «Социологические исследования». – М., 1992, № 2; Ўша муаллиф. Судьба «кулацкой ссылки» в послевоенное время. // «Социологические исследования», – М.: 1992, №8. Ўша муаллиф. Судьба «кулацкой ссылки» (1930-1954 гг.) // «Отечественная История». – М., 1994, №1; Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: «Наука», 2003.

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004.

² Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. - Т., «Фан», 1995; Ўша муаллиф. Коллективлаштириш - қашшоқлаштириш демак. // «Шарқ юлдузи», 1992, №12.

³ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: “Шарқ”, 2001; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: “Шарқ”, 2003; Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: “Шарқ”, 2005; Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлар қисмати. – Т.: “Шарқ”, 2009.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000.

этилган уч жилдлик ҳужжатлар ва материаллар тўпламида¹ ҳам очиб берилган. Уларда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, деҳқонлар оммасининг колхозга қарши ҳаракати, деҳқон оилаларининг сургун қилиниши, Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари ҳақида кўплаб қимматли ҳужжатлар ва материаллар ўрин олган. Айниқса, мазкур ҳужжатлар тўпламида деҳқон хўжаликларини қулоқ қилиш ва сургун қилиш бўйича ОГПУ Ўрта Осиё мухтор вакилликсининг махфий ҳисоботлари ўрин олганки, уларда жазо органларининг фаолияти яққол намоён бўлган. Ушбу архив ҳужжатлари ва материаллар тўплами бизнинг магистрлик диссертациямизнинг манбавий базасида етакчи ва асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.

Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси жамоаси томонидан нашрга тайёрланган “Тарихнинг хасратли саҳифалари” ва “Ватанимиз ўтмишидан” номли китобларда ҳам мазкур мавзунинг бир қанча қирралари ҳақида янги маълумотлар ўрин олган². “Ватанимиз ўтмишидан” тўпламида коллективлаштириш қурбонлари ҳақида янги маълумотлар, Марҳамат туманида коллективлаштириш ва қулоқ қилиш тарихи, Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидаги собиқ қулоқларнинг такроран қатағон қилинишига доир мақолалар ўрин олган.

Тадқиқотчи М. Абдуллаевнинг номзодлик диссертацияси ва бир қатор илмий мақолаларида ҳам биз ўрганаётган муаммонинг бир қанча масалалари атрофлича ёритиб ўтилган³.

Мазкур мавзу тарихшунослигида “қулоқ”лик азоб-укубатини тортганларнинг эсдаликлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада кейинги пайтларда бир қанча эсдаликлар⁴ эълон қилиндики, улар ўша мудҳиш давр манзарасини тасвирлаб беришга хизмат қилади.

Умуман мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсати, қулоқлар сургуни ва бу масалалар билан алоқадор кенг қамровли муаммони ҳаққоний ўрганиш бўйича янгича методология шаклланиб бормоқда. Бу яхлит мавзу бўйича янгича руҳдаги тадқиқотлар эндигина яратилмоқда.

Мавзуга доир илмий тадқиқотларнинг тарихшунослик бўйича таҳлили кўрсатмоқдаки, коллективлаштириш ва қулоқ қилиш жараёнидаги ОГПУ органларининг фаолияти масаласи ҳалигача яхлит, алоҳида муаммо сифатида тўла-тўқис ўрганилмаган ҳамда тадқиқот мавзуси сифатида диссертацион изланиш объекти бўлмаган. Бу ҳол бизни «Коллективлаштириш ва қулоқлаштиришда жазо органларининг ўрни ва роли масаласига

¹ Трагедия среднеазиатского кшшлага: коллективизация, раскулачивание, ссылка (1925-1955 гг.) Документы и материалы. Под. ред. проф. Д.А. Алимовой. Том 1-3. / Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Б.М. Расулов. – Т.: «Шарк», 2006.

² Қаранг: Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.: “Шарк”, 2006; Ватанимиз ўтмишидан. – Андижон, “Андижон нашриёт - матбаа”, 2007.

³ Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. / Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун дисс. автореферати. – Тошкент: 2002; Ўша муаллиф. Этник депортацияларнинг қатағончилик моҳияти. // «АДУ Илмий хабарномаси». 2010. № 1; Ўша муаллиф. Методы массовых репрессий в начальном периоде коллективизации сельского хозяйства в Средней Азии. // «Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук» - Москва: 2010. № 8. С. 86-89; Ўша муаллиф. Қулоқлар сургуни ва махсус посёлкалар. // «Жамият ва бошқарув» 2010. № 1 96-98-бетлар; Ўша муаллиф. Деҳқон хўжаликларини қулоқ қилишда ОГПУ органларининг роли. // «АДУ Илмий хабарномаси». 2010. № 3. 59-63-бетлар; Ўша муаллиф. // Ёппасига коллективлаштириш бошланғичидаги оммавий қатағонлар. // «Жамият ва бошқарув», 2010. № 3 ва бошқалар.

⁴ Эгамназаров А. Сургун. (ҳужжатли қисса, очерклар, мақолалар) -Т., «Адолат», 1999., Бокий Н., Ҳамидов Х. Мени ёд эт. -Т., 2000; Иброҳим Карим. Бегона. (Давр фожиаси менинг тақдиримда) Биринчи китоб.-Т., «Янги аср авлоди», 2001.

доир (1929-1933-йиллар)» мавзуини магистрлик диссертацияси даражасида ўрганишга ундади.

Магистрлик диссертациясининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқ этилаётган мавзунинг муҳимлиги ва долзарблиги, ўрганилиш даражасидан келиб чиқиб, янги илмий адабиётлар ва архив ҳужжатларини таҳлил этиш асосида миллий истиқлол ғояси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнида жазо органларининг фаолияти масаласини илмий жиҳатдан ҳолисона ўрганиш ва бу асосда айрим назарий ҳулосалар беришдан иборат мақсад белгиланди.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим деб топилди:

- қишлоқ аҳолисининг советлар томонидан зўравонларча ўтказилаётган коллективлаштириш сиёсатига қарши оммавий норозилик ҳаракатларини таҳлил қилиш;
- қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати бошланғичида қишлоқ аҳолисига нисбатан қўлланган оммавий қатағонларда ОГПУ органларининг фаолиятини ёритиш;
- қулоқларни синф сифатида тугатиш кампаниясида жазо органларининг иштироки масаласи ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;
- қулоқ оилаларининг сургун қилиниши жараёнидаги жазо органларининг фаолиятига атрофлича баҳо бериш;
- қулоқ оилаларини сургун қилишнинг репрессив механизмининг ёритиш;
- Ўзбекистондаги қулоқ хўжаликлари сургун қилинган махсус (мехнат) посёлкаларида ОГПУ бошқаруви ва назоратидаги комендатуралар тизими фаолиятини ўрганиш ва ёритиш;
- қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқлаштиришнинг якунлари ва оқибатларини комплекс тарзда таҳлил қилиш;
- ўрганилган материалларни назарий жиҳатдан умумлаштирган ҳолда тадқиқотнинг илмий ҳулосаларига таяниб, бугунги кунда республикаимиз маънавий ҳаётида юз бераётган янгилашни жараёнларини ривожлантиришга қаратилган амалий тавсиялар бериш.

Диссертациянинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, мазкур тадқиқот мавзуси ўрганилган муаммони алоҳида мавзу сифатида умумлаштирувчи илмий изланишдан иборатлигидир. Тадқиқотда Ўзбекистонда ёппасига коллективлаштириш ва қулоқлаштириш жараёнида жазо органларининг фаолияти ва роли масаласи тамоман янги манбаларга таянган ҳолда, миллий ғоя ва ҳозирги замон назарий-услубий талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади.

Ушбу магистрлик диссертацияси аввало ўрганилган муаммога янгича ёндошилганлиги билан фарқланади ҳамда масаланинг умумий ва хусусий томонларини алоҳида бир мавзу сифатида тадқиқ этилиши билан характерланади. Мазкур диссертацияни тайёрлаш натижасида эришилган асосий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- ўрганилган мавзу мустақил Ўзбекистон Республикасида маънавий қадриятларни тиклаш борасида қўйилаётган талабларга мос равишда ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилди;
- совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва ўзига тўқ хўжаликларни қулоқ қилишдаги зўравонликлари, уларга нисбатан қўллаган репрессив чора-тадбирлари бирламчи манбалар ва далиллар асосида кўрсатиб берилди;
- қулоқларни синф сифатида тугатиш кампанияси, “қулоқлар сургунли” ва унинг оқибатлари комплекс кўринишда ёритиб ўтилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида эришилган илмий изланишлар натижалари амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Улар куйидагилардан иборат:

1. Диссертацияни тайёрлаш натижасида жамланган маълумотлар, хулосалар ва назарий умумлаштиришлар Ўзбекистонда амалга оширилган коллективлаштириш ва кулоқлаштириш жараёнида совет жазо органларининг фаолияти тарихини атрофлича ўрганишга имкон беради. Айрим назарий хулосалар мазкур масалани тадқиқ этишда янги босқич бўлиб хизмат қилиши мумкин.

2. Диссертацияда жамланган маълумотлардан, илгари сурилган назарий хулосалардан таълим тизимининг турли босқичларида ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш мумкин.

3. Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда, Ватан тарихидан дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлашда ҳамда тарих факультети талабалари учун махсус курслар ташкил этишда диссертациянинг назарий хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг назарий-методологик асослари. Диссертацияда Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Совет тузуми давридаги тарихий воқеа, ходисаларни ўрганишнинг хато методологик асосидан воз кечиб, унинг асосий принциплари бўлган партиявийлик, синфийлик қабиладан йироқлашиб, уларни инкор этишга ҳаракат қилинди. Айни пайтда тадқиқот ишида ўрганилган масалани тўғри ҳал этишда илмий билишнинг ҳолислик, тарихийлик, тизимлилик ва ривожланиш қаби тамойилларига амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза ва нутқларида, давлат ва ҳукумат фармон-қарорларида илгари сурилган методологик, илмий-назарий, маънавий–мафкуравий характердаги фикр-ғоялар, дастурий-концептуал кўрсатмалар тадқиқот ишида назарий методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг манба базасини асосан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ва Россия Федерациясида нашр этилган кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, кулоқлаштириш тарихига доир архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари ташкил этади.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб собиқ иттифокнинг айрим минтақаларида хориж мутахассислари билан биргаликда 1920-30 йиллардаги кишлоқ фожиаси, жумладан “қулоқ қилиш” тарихига оид ҳужжатлар ва материаллар тўпламларининг¹ нашр қилиниши мазкур мавзунинг манбавий асосларини бойитиш, уни янги ҳужжатлар билан тўлдириш, ҳамда масалага тамомила янгича нуқтаи назардан ёндошиш имкониятини берди.

1998-2005 йилларда Россия Федерациясида нашр этилган 4 жилдлик “Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939 гг.” ҳужжатлар ва материаллар тўплами бу йўналишда қилинган муҳим ишлардан бири бўлди². Тўпламда собиқ иттифокдаги кишлоқлар фожиаси, жазо органлари – ВЧК, ОГПУ, НКВДларнинг деҳқонларга нисбатан

¹ Из истории раскулачивания в Карелии. 1930-1931. Документы и материалы. Петрозаводск, 1991; Спецпереселенцы в Западной Сибири; В-4-х томах. – Новосибирск, 1992-1996; Раскулаченные спецпереселенцы на Урале (1930-1936 гг.) Сб. док. – Екатеринбург, 1994; Красная армия и коллективизация деревни в СССР. (1928-1933 гг.) Сб. док. – Неаполь, 1996 (на русском и итальянском языках); Коллективизация и крестьянское сопротивление на Украине (ноябрь 1929-март 1930). – Винница, 1997; Рязанская деревня в 1929-1930 гг. Хроника головокружения. Документы и материалы. – М., 1998; Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-томах. 1927-1938. Том. 1. май. 1927-ноябрь. 1929. – М., «РОССПЭН», 1999, Том 2. ноябрь 1929-декабрь 1930. – М., «РОССПЭН», 2000.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939 гг. Документы и материалы в 4 томах. Ред. колл.: А. Берелович, В. Данилов. Сост.: Л. Борисова, В. Данилов, Н. Ивницкий, В. Кондрашин, Т. Голышкина, В. Гусаченко, А. Николаев, Н. Тархова. – М.: «РОССПЭН», 1998-2005.

юритган қатағон сиёсати очиб берилган. Бу тўпламлардан ўрин олган ҳужжатлар асосан Федерал хавфсизлик ҳизмати Марказий архивидан олинган. Уларда ВЧК, ОГПУ, НКВДнинг Марказдаги ва жойлардаги органлари томонидан қишлоқда олиб боририлган фаолияти тўла ёритилган. ВЧКнинг ахборот варақалари, бюллетенлари, оператив маълумотлари, ОГПУ ва НКВДнинг информацион материаллари келтирилганки, улар ниҳоятда қимматлидир ва коллективлаштириш, кулоққа тортиш, сургун қилиш масаласини ҳолисона ёритишга имкон беради.

2004-2005 йилларда Москвадаги “РОССПЭН” нашриётида “История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов” номли 7 жилддан иборат ҳужжатлар тўплами нашр қилинди¹. Унинг 1-жилдида СССРдаги оммавий қатағонлар, 2-жилдда жазо тизими, тузилиши ва кадрлар, 3-жилдда ГУЛАГ иқтисодиёти, 4-жилдда ГУЛАГ аҳолиси, миқдори ва уларни боқиб туриш шароитлари, 5-жилдда СССРдаги махсус кўчирилганлар, 6-жилдда маҳбусларнинг кўзғолонлари, исёнлари ва иш ташлашлари, 7-жилдда совет қатағон-жазо сиёсати ва пенитенциар тизими масалаларига доир махфий ҳужжатлар биринчи бор эълон қилинган. Бу ҳужжатлар тўпламига Ўрта Осиёдаги коллективлаштириш, кулоқ қилиш, кулоқлар сургуни жараёнини акс эттирадиган ҳужжатлар ҳам киритилган.

Мустақиллик йилларида яратилган, янгича методология бўйича ёзилган мавзуга алоқадор кўплаб мақола, рисола ва қўлланмалар ҳам мазкур диссертациянинг манбалар базасида ўзига хос ўрин эгаллади.

I бoб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЁПАСИГА КОЛЛЕКТИВЛАШ-ТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЖАЗО ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

I.1. Коллективлаштириш сиёсати бошланғичида ОГПУ органлари фаолияти

¹ История Сталинского ГУЛАГа. Массовые репрессии в СССР. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах. – М.: «РОССПЭН», 2004 – 2005.

Маълумки, совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш ва «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсати бошланғич давриданок зўравонлик билан амалга оширила бошланган. Коллективлаштириш ҳаракати большевиклар ҳукуматиға хос бўлган «инқилобий» шиддат билан, халқ оммасига нисбатан зўрлик ва қатағон усуллари кенг қўллаган ҳолда ўтказила бошланди.

ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) органларининг 1930-1934 йиллардаги информацион материаллари ўз даврининг сиёсий манзарасини аниқ акс эттирган. Уларда Сталин бошчилигидаги раҳбариятнинг мамлакатнинг асосий аҳолиси бўлган деҳқонларға нисбатан қатағон сиёсати яққол ўз ифодасини топган.

ОГПУнинг 1930 йилдаги махфий ҳисоботларида деҳқон хўжаликларини оммавий қатағон қилиш – «қулоқ қилиш» масаласи ҳам диққат марказида турган. Бинобарин, ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги №771 сонли директиваси қулоқларға ялпи зарба беришға қаратилган тадбирларнинг муқаддимаси бўлганди. Унга кўра, репрессив чорани фақат қулоқ хўжаликларғагина эмас, балки директивада аниқ белгилаб берилган «ташкilotлар, гуруҳлар, яққа ҳолдаги жиноятчилар»ға, «қулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурлар» деб номланган кишиларға – яъни бутун оммага қарши жазо чораларини кенг қўллаш кўзда тутилган эди. Ушбу директива ОГПУнинг жойлардаги барча мухтор вакилликларига юборилиб, тегишли ўлка ва областлар бўйича «қулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурлар»ға мансуб гуруҳлар, тўдалар, ташкilotлар ва шахслар миқдори ҳақида агентура маълумотларини зудлик билан аниқлаштириб, 14 январға қадар марказға етказилиши буюрилган¹.

Илмий адабиётларда айрим ҳудудларда ушбу кўрсатма берилган 1930 йилнинг 11 январидан кейиноқ қулоқ деб ҳисобланган деҳқон хўжаликларини тугатиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилгани айтилади. Бироқ, мамлакатда қулоқ қилиш расман ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш тадбирлари ҳақида»ги қарори эълон қилинганидан кейин бошланган. Бу қарорда қулоқ хўжаликлари тоифаларға ажратилди ва тоифалар бўйича қатағон қилинадиганлар нормаси белгиланди. Биринчи тоифа «аксилинқилобий фаол»лардан – террорчилик ҳаракати ташкilotчилари ва советларға қарши фаолият кўрсатганлардан иборат бўлиши белгиланиб, уларни қамокқа олиш ва сиёсий жиноятчи сифатида концентрацион лагерларға юбориш ёки олий жазо қўллаш лозимлиги белгиланган. Уларнинг оила аъзоларини эса мамлакатнинг чекка минтақаларидаги махсус посёлкаларға сургун қилиш кўрсатилди. Бу ҳудудларға шунингдек, иккинчи тоифаға кирувчи «йирик қулоқлар, ярим помешчиклар ва коллективлаштиришға қарши фаол қаршилиқ кўрсатганлар» ҳам оила аъзолари билан бирға сургун қилиниши лозим эди. Қулоқларнинг қолган қисми (3-тоифа) эса яшаб турган ўлка ёки вилоят ичида, колхоз ерларидан ташқаридаги чекка ерларға кўчирилиши белгиланди. Қулоқ қилинадиганларнинг умумий миқдори барча деҳқон хўжаликларининг 3-5 фоизини ташкил этиши лозимлиги қарорда кўрсатиб ўтилди. Лекин 1 ва 2-тоифалар бўйича «чекланган контингентлар» сони кўрсатилди: мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик районларидан биринчи тоифа бўйича 60 минг хўжалик, иккинчи тоифа бўйича 150 минг хўжалик².

Қарорда «ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ қилишни зудлик билан, қолган районларда эса коллективлаштириш ҳаракати кўлами ошиши билан амалга ошириш» кераклиги қайд қилинган эди. Зудлик билан чора қўллаш жумласига «қулоқ

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. /Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – С. 71.

² Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927-1939. В 5 томах. /Т.2. Ноябрь 1929-декабрь 1930. – М.: «РОССПЭН», 2000. – С. 325-328.

хўжаликларидан ишлаб чиқариш воситаларини, ҳайвонларни, турар жой ва хўжалик иншоотларини, ғалла запасларини мусодара қилиш» кирар эди.

Қулоқ қилишнинг биринчи этапи қандай кечганлиги ОГПУнинг Махфий-оператив бошқармаси (СОУ) ахборотларида тўла акс этган. Бу бошқарма 1-тоифадаги қулоқлар бўйича 31 январдан 24 апрелгача 68 та махсус ахборот тузган. Уларда 1-тоифа бўйича қулоқ қилишнинг динамикаси, унинг районлар бўйича тақсимооти бутун СССР бўйича келтирилган. Унинг муҳим томони шундаки, унда қамоққа олиш бўйича статистик рақамлар ва зарбага учраган ижтимоий ва сиёсий гуруҳлар миқдори аниқ қайд қилинган.

Қулоқ қилиш операцияси бўйича ОГПУ Махфий-оператив бошқармасининг №2 махсус ҳисоботида кўра, 31 январдан 16 февралга қадар Ўрта Осиё бўйича 162 киши қамоққа олинган. Жумладан, 2 та аксилинқилобий ташкилот, 13 та гуруҳ (гуруҳ аъзолари 278 киши) тугатилган, 5 та қурол мусодара қилинган. Қамоққа олинганларнинг ижтимоий таркиби қуйидагича: қулоқлар – 65 киши, ўртаҳошлар – 33 киши, камбағаллар – 31 киши, черков ходимлари – 3 киши, савдогарлар – 1 киши, «собиклар» - 1 киши, хизматчилар – 20 киши, масъул ходимлар – 6 киши, «бошқалар» – 2 киши. Бутун иттифоқ бўйича 1930 йил 16 февралгача 64589 киши қамоққа олинган, 51 та аксилинқилобий ташкилот ва 1183 та гуруҳ тугатилган¹.

Махсус ҳисоботларга эътибор берганда маълум бўладики, қулоқ қилиш бўйича операцияда ОГПУ ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 30 январдаги кўрсатмасини 31 январдаёқ бажарганлигига гувоҳ бўламиз. 15 февралга тегишли бўлган №16 махсус ҳисоботда мамлакат бўйича жами 64589 киши қамоққа олинганлиги, улардан 52166 таси 1 тоифага мансуб қулоқлар экани қайд қилинган. Маълумотдан кўриниб турадики, қамоққа олинганлар ичида камбағал деҳқонлар, собиқ савдогарлар, собиқ «оқлар», диний муассаса хизматчилари, қишлоқ зиёлилари ва хизматчилар, шунингдек, машғулоти номаълум бўлганлар, «кимлиги аниқланмаганлар» ва «бошқалар» кўпчиликти ташкил этган².

ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги №44/21 сонли «Қулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича тадбирлар ҳақида» буйруғига биноан ОГПУ мухтор вакилликларида 1-тоифа бўйича қамоққа олинганлар ишини кўриб чиқиш бўйича ўлка ВКП(б) комитетлари ва прокуратура вакилларида иборат «учлик»лар тузиш белгиланган. Сиёсий учликлар таркиби ОГПУ коллегиясида тасдиқланган. 2-тоифага мансуб қулоқлар ва оила аъзоларини сургун қилиш билан боғлиқ ишларга бевосита раҳбарлик қилиш учун ОГПУ мухтор вакилликлари ваколати остида оператив учликлар ҳам тузилган. Оператив учликлар шунингдек, областларда, округларда ҳамда ОГПУ округ бўлимларида ҳам бўлим бошлиқлари раҳбарлигида тузилган³.

ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги директиваси бўйича қамоққа олишлар тўхтовсиз давом этган. 1930 йил 9 мартга келиб, Ўрта Осиё бўйича қўшимча яна 46 та аксилинқилобий гуруҳ тугатилиб, бу бўйича 298 киши қамоққа олинган. Шунингдек, битта тўда тугатилиб, 8 киши қамоққа олинган, яқка ҳолда 525 киши қамоққа олинган. Қочиб юрган 650 нафар «қулоқ» ҳам қамоққа олинган. Операция давомида қўшимча равишда (16 февраль-9 март орасида) жами 831 киши қамоққа олинган. 1930 йил 9 март ҳолатида Ўрта Осиё бўйича гуруҳлар ва яқка ҳолда қамоққа олинганлар сони 993 кишини ташкил қилган. Жумладан, 2 та аксилинқилобий ташкилот тугатилиб, унинг аъзоларидан 17 киши қамоққа олинган, 59 та гуруҳ тугатилиб, булар бўйича 337 киши, битта тўда тугатилиб тўданинг 8 аъзоси, яқка ҳолда 631 киши ҳамда қочиб юрган қулоқлардан 650 киши қамоққа олинган⁴.

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. – С. 113.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. – С. 9.

³ Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Т.2. – С. 163-167.

⁴ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. – С. 126.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги мухтор вакилликнинг 1930 йил 20 мартдаги ҳисоботида кўра, 1930 йил февралдан 17 мартга қадар ўтказилган оператив ишлар натижасида 1-тоифага мансуб бўлган «аксилінқилобий фаол» кулоқ-бойларни тугатиш минтақа бўйича қуйидагича якунланган:

Андижон округида қамокқа олинган «аксилінқилобий фаоллар»нинг умумий сони 607 киши. Улардан 257 таси бойлар, 31 таси муллалар, 22 таси савдогарлар, 54 таси ўртаҳол деҳқонлар, 33 таси камбағаллар, қолганларнинг ижтимоий ҳолати аниқланмаган. Камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар оммавий норозилик чиқишлари иштирокчиси сифатида қамокқа олинган. Қамокқа олинганлардан 8 таси партия-совет ходимлари бўлиб, улар партия йўлидан чиқиши, оғмачилиги учун хибсга олинган. Қамокқа олинганларнинг барчаси Андижон турмасида жамланган.

Фарғона округида 164 нафар оммавий норозилик чиқишлари ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари қамокқа олинган. Уларнинг ижтимоий таркиби ҳақида маълумот йўқ.

Бухоро округида жами 156 киши қамокқа олинган. Улардан 67 таси бойлар, 5 таси муллалар, 63 таси ўртаҳоллар, 17 таси камбағаллар бўлган, 4 кишининг ижтимоий мансублиги аниқланмаган. Бу округдаги камбағал-ўртаҳол деҳқонлар ҳам оммавий чиқишлардаги фаоллиги учун қатағон таъсири остига олинган.

Самарқанд округида қамокқа олинганлар 127 киши бўлиб, улардан 81 таси бойлар, 10 таси муллалар, 23 таси ўртаҳоллар, 13 таси камбағал деҳқонлар бўлган.

Қашқадарё округида 123 киши қамокқа олинган. Уларнинг 50 таси бойлар, 8 таси муллалар, 16 таси савдогарлар, 18 таси ўртаҳол деҳқонлар, 7 таси камбағал деҳқонлар, 7 таси партия ва совет ходимлари бўлган.

Хоразм округида 12-13 март кунларида 18 киши қамокқа олинган. Улардан 8 таси бойлар, 3 таси муллалар, 1 таси савдогар, 4 таси ўртаҳоллар, 2 таси камбағал деҳқонлар эди.

Ўзбекистон бўйича жами 1195 киши қамокқа олинган. Республика бўйича 51 та аксилінқилобий гуруҳ тугатилиб, унинг аъзоси сифатида умумий рўйхатга кирувчи 385 киши қамокқа олинган.

Тожикистон бўйича 126 киши қамокқа олинган. Улардан 70 таси бойлар, 12 таси муллалар, 3 таси савдогарлар, 13 таси ўртаҳол деҳқонлар, 20 таси камбағал деҳқонлар, 1 таси совет ходими бўлган. 15 та аксилінқилобий гуруҳ тугатилиб, бу бўйича 108 киши қамокқа олинган.

Қирғизистон бўйича 420 киши қамокқа олинган.

Туркменистонда жами 281 киши қамокқа олинган. Улардан 180 таси бойлар, 6 таси муллалар, 1 таси савдогар, 77 таси ўртаҳол деҳқонлар, 14 таси камбағал деҳқонлар, 4 таси ижтимоий мансублиги аниқланмаганлар бўлган.

Бутун Ўрта Осиё республикалари бўйича (Тошкент, Зарафшон, Сурхондарё округларидан ташқари) жами 2022 киши қамокқа олинган¹.

Кулоқ қилиш операцияси жараёнида 1930 йил 24 апрелига қадар Ўрта Осиё бўйича тугатилган аксилінқилобий ташкилотлар, гуруҳлар, тўдалар ва қамокқа олинганлар миқдори қуйидагича бўлган:

1-тоифа бўйича қамокқа олинганлар – 2350 киши; тугатилган аксилінқилобий ташкилотлар – 2 та, қамокқа олинган ташкилот аъзолари – 17 киши; тугатилган аксилінқилобий гуруҳлар – 89 та, қамокқа олинган гуруҳ аъзолари – 917 киши; яқка ҳолда

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Т.1. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 216-217.

камоққа олинганлар – 1416 киши; тугатилган тўдалар – 22 та, камоққа олинган тўда аъзолари – 1539 киши¹.

Бутун СССР бўйича эса 1930 йил 24 апрелгача 1-тоифа бўйича 123716 киши камоққа олинган. Яъни, бу тоифа бўйича камоққа олишлар ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги қарорида кўрсатилган миқдордан 2 баравар ортиғи билан бажарилган.

Кулоқлар бўйича операциянинг биринчи этапида камоққа нафақат хўжалик бошлиқлари, балки тегишли айб билан уларнинг меҳнатга яроқли фарзандлари ҳам олиндилар. Қолган оила аъзолари иккинчи тоифага мансуб кулоқ хўжаликлари билан бирга махсус посёлкаларга сургун қилинди.

Кулоқ қилиш операциясининг биринчи этапи натижалари бўйича нисбатан тўла маълумотлар ОГПУ оператив гуруҳлари ҳисоботларида келтирилган. Унинг 1930 йил 20 майдаги ҳисоботида оила аъзолари кўрсатилмаган ҳолда 123716 киши 1-тоифа бўйича қатағон қилингани айтилган. Иккинчи тоифа бўйича сургун қилинган оилалар сони 99013 тани ташкил қилганки, уларнинг умумий миқдори 491893 кишидан иборат бўлган². 1931 йилнинг бошларига тегишли бошқа бир маълумотда эса, 1930 йилнинг 1-ярмида 2-тоифа бўйича 113027 оила сургун қилингани айтилган³. Лекин бу пайтда Ўрта Осиё республикаларида кулоқ оилаларини оммавий сургун қилиш хали бошланмаган эди.

Нихоят, 3-тоифа бўйича кўчирилган кулоқ оилалари миқдори ҳақида тўхталганда, бу тоифадагилар масаласи билан шуғулланиш ОГПУ тасарруфида бўлмасда, унинг ҳисоботларида бу ҳақда ҳам айрим маълумотлар сақланган. Тўла бўлмаган маълумотга кўра, 1930 йил май ойигача 3-тоифа бўйича 26333 оила (138182 киши) кўчирилган⁴.

Келтирилган маълумотлар деҳқонларнинг қатағон қилинган қисми тақдирини ҳис қилиш нуктаи назаридан жуда муҳимдир. Улар орқали Сталин бошчилигидаги компартия томонидан юзага келтирилган ижтимоий-сиёсий вазият намоён бўлади. Биринчи тоифа бўйича қатағон қилинганлардан фақат ГУЛАГ лагерларига жўнатилганларининг миқдори ҳақида маълумотлар бор, холос. Афсуски, 1-тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганлар миқдори ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Чунки бу даврда отув ҳукми ОГПУ линиясидаги «учлик»лар орқали ҳам, судлар орқали ҳам амалга оширилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, қатағон қилинганларнинг асосий қисмини оила аъзолари билан сургун қилинган 2-тоифадаги кулоқлар ташкил этган. Уларга 1-тоифа бўйича жазоланганларнинг оила аъзолари ҳам қўшилган. Бу оилалар қаерга сургун қилиниши, қаерда ва қандай шароитда махсус манзилгоҳлар ташкил этилиши каби масалалар ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги қарорида ҳам, СССР МИК ва ХКСнинг 1930 йил 1 февралдаги «Ёппасига коллективлаштириш районларида социалистик қайта қуришни мустаҳкамлаш ва кулоқларга қарши кураш чоралари ҳақида» қарорида ҳам аниқ жавобсиз қолдирилган эди.

«Кулоқларни синф сифатида тугатиш» операцияси ОГПУ органлари фаолиятида «кулоқ-оқгвардиячи-бандит унсурларни йўқ қилиш» сифатида талқин қилинди. Қишлоқнинг бадавлат, ўзига тўқ қатламлари аввалданок «аксилинқилобчи, аксилсовет» деб эълон қилиниб, улар биринчи навбатда тугатилиши белгиланган эди. ОГПУнинг қатағончилик фаолиятининг биринчи объекти кулоқлар эмас, балки

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. – С. 140.

² Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 114.

³ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 37

⁴ Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.2. /Отв. ред. Н.Н.Покровский, В.П.Данилов, С.А.Красильников, Л.Виола. – М.: «РОССПЭН», 2006. – С. 378.

«аксилинкилобчилар», «аксилсоветлар» деб белгиланди. Холбуки, бу атамаларнинг бу пайтда кишлоқ билан ҳеч бир алоқаси йўқ эди.

Совет ҳукумати томонидан кишлоқларда юзага келтирилган бундай фожиали жараён бутун кишлоқ аҳолисини ваҳимага солиб қўйди. Кўплаб деҳқон хўжаликлари бутун мол-мулкни, яшаб турган кишлоқларини ташлаб бошқа жойларга қочиб кета бошлаганлар. Коллективлаштириш, «қулоқ қилиш» жараёнидаги зўравонликлар натижасида кишлоқ аҳолисининг хорижга чиқиб кетиши ҳам авж олган. Жумладан, 1930 йилнинг январь-февраль ойи бошларида Туркменистондан 185 хўжалик, Тожикистондан 64 хўжалик, Қирғизистондан 6 хўжалик муҳожирликка чиқиб кетган. Хорижга чиқиб кетишнинг асосий қисми ёппасига коллективлаштирилаётган районлар хиссасига тўғри келган. Муҳожирликка кетганларнинг аксарияти Шарқий Туркистонга чиқиб кетган¹.

Бундан ташқари, Ўрта Осиёнинг деярли барча районларида ўз кишлоғидан қочиб, бошқа шаҳар ва кишлоқлардан паноҳ излаган деҳқон оилаларини ва якка ҳолда қочиб юрган «қулоқ»ларни учратиш мумкин эди. Лекин булар ҳам совет давлати жазо органлари таъқибига учраганлар. ОГПУ раиси ўринбосари Г.Ягоданинг 1930 йил 22 февралда Тошкентга – ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича мухтор вакили В.А.Каруцкий номига юборган телеграммасида Ўрта Осиё бўйлаб қочқинда юрган якка ҳолдаги қулоқларни қамоққа олиб, 2-3 вагон миқдорида гуруҳлаштириб Сибирга сургун қилиш, оила аъзолари билан қочиб юрганларни эса Қозоғистонга сургун қилиш учун ушлаб туриш, сургун қилинадиган районлар маълум қилинган, уларни зудлик билан кўрсатилган ҳудудга сургун қилиш ҳақида кўрсатма берилган².

Хуллас, совет ҳукумати кишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатининг дастлабки кунлариданоқ кишлоқ аҳолисига қарши том маънода уруш эълон қилган эди. Бу жараён ОГПУнинг махфий ҳужжатларида «қулоқларга қарши операция» деб аталган бўлсада, аслида қатағон чоралари кишлоқнинг барча ижтимоий қатламларига қарши қаратилди. Кишлоқнинг ўртаҳол, камбағал қатламига мансуб жуда кўплаб деҳқонлари ҳам «аксилинкилобчи», «аксилсовет», «босмачи» деган сохта айбловлар билан асоссиз равишда жазоландилар. Энг аянчлиси, қатағон чоралари нафақат хўжалик бошлиқларига, балки уларнинг бутун оила аъзоларига – бешикдаги гўдакларигача татбиқ этилди.

I. 2. Қулоқларни синф сифатида тугатиш кампаниясида жазо органлари иштироки

Кишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш асосидаги «қулоқ қилиш»нинг стратегияси ва тактикаси ОГПУнинг жазо органлари фаолиятида намоён бўлдики, у компартия ва совет ҳукумати сиёсатини амалга оширишнинг асосий механизмини ташкил қилди. Ўз моҳияти, сиёсий йўналтирилганлиги, метод ва формаларига кўра, қулоқ қилиш жараёни кенг қўламли харбий-сиёсий операция хусусиятига эга бўлди.

ОГПУ органлари партия-совет органларининг қулоқ қилишга доир қарорларига ҳамоҳанг буйруқлар чиқариб, уни амалга оширишда мислсиз тезкорлик билан иш олиб борди. ОГПУнинг 1930 йил 18 январда имзоланган, жойлардаги мухтор вакилликларига юборилган №775 сонли директивасида мухтор вакилликлар ҳузурида операцияни амалга ошириш бўйича оператив гуруҳлар тузиш, операциянинг барча масалаларини ўз ичига олган аниқ режасини ишлаб чиқиш ва ОГПУга тақдим этиш, қайси райондан қанча миқдорда қулоқ хўжаликлари ва оқгвардиячи унсурлар сургун қилинишини режада кўрсатиб ўтиш ва уни телеграф орқали марказга юбориш, жойлардаги вазият ва норозилик

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т.3. Кн. 1. – С. 165.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т. 1. – С. 187.

кўринишларини қаттиқ назорат қилиш, исёнкорлик интилишларини зудлик билан бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилган эди¹.

1930 йилнинг 23 январида тегишли жойларга юборилган навбатдаги директивада режани тузишда қайси районга қанча миқдорда кулоқ хўжаликлари сургун қилиниши, уларнинг тоифалари, сургун қилиш тартиби, районлар навбати, темирйўл орқали сургун қилинадиган хўжаликлар жамланадиган пунктлар, ташиш учун керак бўладиган эшелон ва вагонлар миқдори, операцияни ўтказишда зарур бўладиган ОГПУ ва Қизил Армия кўшинлари миқдорини аниқ кўрсатиш ҳақида кўрсатма берилган. Марказ ўз впакилларига сургун қилинадиганлар миқдори, операция мuddати ҳақидаги якуний кўрсатмалар ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг тегишли қароридан кейин маълум қилинишини айтиб ўтган². Бироқ, кулоқ қилиш, бадавлат деҳқон хўжаликлари мулкани талаш 1930 йил январь ойидаёқ оммавий тус олган ва бошқарувдан тамоман чиқиб кетган эди.

Кулоқ хўжаликларини кенг кўламда, иттифоқ миқёсида сургун қилишга санокли кунлар қолган эди. 1930 йил 2 февралда ОГПУнинг №44/21 сонли буйруғи чиқди. Унда ВКП(б) ва совет ҳукуматининг «кулоқларни тугатиш» сиёсатини ҳаётга татбиқ этишнинг мукамал дастури ўрин олган ҳамда ОГПУ органларининг вазифалари аниқ белгиланган эди. Буйруқда амалга ошириладиган операциянинг аҳамияти қуйидагича асосланган эди:

«Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш тадбирига қарши кулоқларнинг қаршилиқ ҳаракатларини бартараф этиш учун биринчи навбатда ёппасига коллективлаштириш районларида кулоқ хўжаликларига, асосан, уларнинг бой, аксилинқилобий қисмига қакшатқич зарба бериш керак. Кулоқларнинг қаршилиги ўз вақтида бартараф этилиши лозим. Бу тарихий вазифани амалга ошириш партия ва совет органларидан ниҳоятда қаттиққўлликни талаб этади. Ўта муҳим, мураккаб ва маъсулиятли вазифаларни партия ОГПУ зиммасига юклайди. Бизнинг орган ходимларидан тадбирни ўтказишда фавқулodда хушёрлик, аниқлик ва кескинлик талаб этилади. Берилган вазифани камбағал-батрак ва ўртаҳол деҳқонлар оммаси ёрдами билангина муваффақиятли бажариш мумкин. Бу вазифа ёппасига коллективлаштириш жараёни билан узвий боғланган ҳолда ҳал этилиши лозим»³.

ОГПУ органларининг тадбири икки йўналишда режалаштирилган эди. Биринчиси – 1-тоифага мансуб «аксилинқилобий ва исёнчи ташкилот аъзолари», «якка ҳолдаги ашаддий кулоқлар»ни зудлик билан қамоққа олиш; иккинчиси – 2-тоифага кирувчи «бой-кулоқлар»ни (собик помешчиклар, ярим помешчиклар, йирик кулоқлар, диний раҳнаомлар, гуруҳбозлар) оила аъзолари билан коллективлаштириладиган районлардан иттифоқнинг чекка минтақаларига оммавий сургун қилиш.

Кулоқ хўжаликларини оммавий сургун қилиш операцияси 1930 йилнинг март ойида якунланиши керак эди. ОГПУнинг буйруғида аввало биринчи тоифа ҳисобланган «фаол кулоқ унсурлар»га зарба бериш кераклиги алоҳида таъкидланган. СССРнинг асосий ғаллакор районларидан операция давомида қатағон қилиниши мўлжалланган биринчи тоифага мансуб кулоқлар миқдори тахминан 50-60 минг атрофида бўлиши белгиланган⁴.

Кулоқ қилиш кампанияси бошланишидан олдин ҳам ва у авжига чиққан пайтда ҳам на давлат органларида ва на ОГПУ органларида кулоқ оилалари миқдори ҳақида аниқ статистик маълумот йўқ эди. Бунинг устига, биринчи, иккинчи ва учинчи тоифага кирувчи кулоқлар миқдори ҳақида ҳам аниқ маълумотлар бўлмаган.

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – С. 150-151.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – С. 156-157.

³ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 49-50.

⁴ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 50.

Биринчи тоифа бўйича қамоққа олинганлар ОГПУнинг област ва округ бўлимлари қамоқхоналарига ташланган. Улар бўйича тергов ишлари ОГПУ мухтор вакилликлари қошида тузилган оператив учликлар томонидан шошилиш тартибда, судсиз олиб борилди. Қамоққа олинганларнинг асосий қисми концлагерларга юборилди, нисбатан ашаддий деб ҳисобланган қулоқ вакиллари, аксилинқилобий ташкилот ва гуруҳ аъзолари олий жазога – отувга ҳукм қилиндилар.

Қамоққа олинган, концлагерларга юборилган ёки олий жазога ҳукм қилинганларнинг оила аъзолари иккинчи тоифа бўйича тугатилган қулоқ хўжаликлари билан бирга мамлакатнинг чекка минтақаларига сургун қилиниши лозим эди. Биринчи тоифадаги қулоқ оилалари мол-мулки ҳам, худди иккинчи ва учинчи тоифадаги қулоқ хўжаликларидаги каби тартибда мусодара қилинди.

ОГПУнинг буйруғида маълум бир райондан сургун қилинган қулоқ хўжаликлари мамлакатнинг қайси минтақасига юборилиши ҳам белгиланган. 1930 йилнинг баҳорида Урал, Қozoғистон, Сибир ва Шимолий ўлкага 142 минг қулоқ оиласини сургун қилиш режалаштирилган эди. Айни пайтда иккинчи навбат сургун районлари ҳам белгиланди: Ленинград, Москва, Иваново, Ғарбий областлар, Нижегород ўлкаси, Татаристон, Бошқирдистон, Қрим, Ўрта Осиё ва Кавказортидан тугатиладиган қулоқ оилаларидан 18000 оилани Шимолий ўлкага, 25000 оилани Сибирга, 12000 оилани Қozoғистонга ва 7000 оилани Уралга сургун қилиш режалаштирилган. Иккинчи навбатда сургун ўтказиладиган районлардан жами 62000 оилани (300 минг киши) сургун қилиш белгиланган. ОГПУ буйруғи бўйича 1930 йилда жами 204 минг оилани ёки бир миллиондан зиёд кишини сургун қилиш лозим эди¹.

Бу вазифаларни бажариш учун ОГПУ органларига қуйидагилар буюрилган:

«1. Барча ҳаракатдаги аксилинқилобий ташкилот, гуруҳ, тўда ва фаол аксилинқилобий унсурларни қисқа муддат ичида батамом тугатиш, ОГПУ мухтор вакилликлари учликларида бу каби ишлар бўйича терговларни тезлик билан якунлаш.

2. Бу каби ишларни кўриш учун ОГПУ мухтор вакилликларида ВКП(б) ўлка комитети ва прокуратураси вакиллари аъзолигида тезкор учликлар тузиш, учлик таркибини ОГПУ коллегиясига тасдиқ учун юбориш.

3. Қулоқлар ва улар оила аъзоларини сургун қилиш бўйича операцияга бевосита раҳбарлик қилиш ва бу тадбир билан боғлиқ ташкилий ишларни юритиш, назорат қилиш ҳамда барча жараёнлар бўйича маълумотларни марказга юбориб туриш учун оператив учликлар ташкил этиш. Райкомларда қулоқ қилиш операциясида бевосита иштирок қилиш учун район оператив гуруҳларини ташкил этиш.

Сургун қилинадиганларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва тўхтовсиз жўнатиб туриш учун комендант бошчилигида йиғув пунктлари ташкил этиш. Йиғув пунктлари қошида агентура-тергов гуруҳларини тузиш. Йиғув пунктлари комендантлари билан ОГПУнинг транспорт бўлими ўртасида эшелонларни жўнатиш бўйича узлуксиз алоқани таъминлаш.

4. ОГПУ мухтор вакилликларида фавқулодда ҳолатлар учун ҳарбий-чекист резервини таъминлаш. Округ бўлимларида, асосан мураккаб вазиятли районларда ОГПУ қисмларидан манёвр гуруҳлари ташкил этиш. Қизил армия қисмларини бу ишларга жалб этмаслик, улардан сўнгги чора сифатида – исён келиб чиққан ҳоллардагина фойдаланиш»².

Оммавий қулоқ қилиш операциясининг ташкилий структураси, йиғув пунктлари ва бу пунктлардаги оператив-агентура гуруҳларидаги ишлар, ОГПУнинг транспорт бўлими

¹ Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004. – С. 36.

² Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. / Под ред. В.Данилова, Р.Маннинг, Л.Виолы. Т.2. Ноябрь 1929-декабрь 1930 г. / Отв. ред. Н. Ивницкий. – М.: «РОССПЭН», 2000. – С. 166-167.

вазифалари бўйича аниқ инструкциялар юқоридаги буйруққа илова қилиниб ОГПУнинг республика, ўлка ва областлардаги мухтор вакилликларига юборилган.

Шу кўринишда кулоқ қилишнинг репрессив механизми ва дастури ишлаб чиқилган. Бу қатағон механизми дарҳол ишга киришган. ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги №44/21 сонли буйруғи партия, совет ва жазо органлари фаолияти учун кучли катализатор вазифасини бажарди.

СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ОГПУ буйруғидаги асосий пунктларни қонунийлаштириш мақсадида 1930 йилнинг 1 феввалида «Кулоқларни тугатиш кампанияси даврида ишларни суддан ташқари ҳолатда кўриш ҳуқуқини ОГПУ органларига бериш ҳақида» қарор қабул қилди¹. ОГПУ раҳбарияти бу ваколатни республика, ўлка ва областлардаги мухтор вакилликларига ҳам бериши мумкин эди. Жойлардаги суддан ташқари жазо чоралари ўлка (област) ижрокомлари ва прокуратура вакиллари иштирокида белгиланар эди. ОГПУ учликларининг жазо функциялари шундай қонунийлаштирилган бўлиб, маҳаллий ҳокимият органлари ва прокуратуралари вакиллари унда фақат расмий жиҳатдангина иштирок этар эди, холос.

1930 йил 4 февралда СССР Марказий Ижроия Комитети «Иттифоқдош, автоном республикалар Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советига, ўлка ва област ижроия комитетларига Махфий инструкция»ни тасдиқлади. Бу инструкцияда кулоқ қилиш ва кулоқ оилаларини сургун қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар ўрин олган эди. Унда алоҳида қайд қилинган эдики, кулоқлар мол-мулкни мусодара қилиш, хўжалигини тугатиш ишларини ёппасига коллективлаштириш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда, камбағал-батрақлар оммаси кўмагида ўтказиш, қишлоқдаги социалистик қайта қуриш ва кулоқларни тугатиш вазифаларини фақат камбағал-батрақлар оммаси иттифоқидагина муваффақиятли амалга ошириш лозим². Кулоқ хўжаликларини тугатиш ва сургун қилиш бўйича бутун тадбирлар уюшқоқлик билан, республикалар ХКСлари ва ўлка, област ижрокомлари раҳбарлигида ва қатъий назоратида ўтказилиши зарурлиги инструкцияда алоҳида таъкидланган.

Дехқон хўжаликларини кулоқ қилиш ва сургун қилиш амалиёти кўрсатмоқдаки, район, қишлоқ советлари даражасидаги маҳаллий раҳбарлар кулоқ қилиш ва сургун қилиш сиёсатининг аниқ вазифалари моҳиятига тўла тушуниб етмаганлар.

ВКП(б) МК, СССР МИК ва ХКС қарорлари, ОГПУнинг №44/21 сонли буйруғини асос қилиб олган маҳаллий партия, совет ва чекист органлари 1930 йил январь ойи иккинчи ярмидан эътиборан кулоқ қилиш бўйича амалий ишларни бошладилар. Бу ишларда раҳбарлик ролини партия комитетлари бажарди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йилнинг 28 январида «Кулоқларни синф сифатида тугатишга алоқадор тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган. Унда индивидуал шаклда солиқ тўлаётган ва «эксплуататор» сифатида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган хўжаликларни биринчи навбатда сургун қилиш ҳақида кўрсатмалар берилган эди³.

1930 йил февраль ойида кулоқ қилиш кампанияси бошланиб кетди. Бу жараён ёппасига коллективлаштириш эълон қилинган районлардагина эмас, балки барча районларда ҳам авж олдирилди. ВКП(б) МК кўрсатмаларида кулоқ қилиш

¹ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 52.

² История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. /Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004. – С. 114.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Т. 1. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 311-313.

коллективлаштириш асосида, унинг таркибий қисми сифатида амалга оширилиши белгиланганлигига қарамай, аксарият районларда асосий эътибор қулоқларни тугатишга қаратилди. Оммавий қулоқ қилишнинг қатағон тўлқини тўхтатиб бўлмас куч билан ўсиб борди, унинг ҳалокатли таъсирини энди ҳеч бир тадбир тўхтатиб қололмас эди.

Қулоқларни тугатиш жараёни районларда ва қишлоқларда тартибсиз ва стихияли тарзда ўтказила бошлади. Унинг асосида ялпи коллективлаштириш ва қулоқ қилишнинг волонтеристик методлари ётар эди. Жойларда қулоқ хўжаликларини белгилаш усуллари ва мезонлари йўқ эди. Қулоқ қилишнинг бошланғич этапида кўпгина маҳаллий партия-совет органларига бу ишларни қандай олиб бориш мавҳум бўлиб қолган эди. Ўрта Осиёнинг кўпгина округлари ва районларида колхоз қурилиши ва қулоқ қилиш бўйича ишлар алоҳида жараён сифатида олиб борилди. 1930 йил охирида деҳқон хўжаликларини қулоқ қилишнинг биринчи босқичи якунланди. СССР бўйича 1930 йил 10 декабрига 337563 қулоқ хўжалиги тугатилди¹.

Коллективлаштириш жараёнидаги, айниқса қулоқ қилиш амалиётидаги хатоликлар ҳақида расмий ҳужжатларда жойларда «айрим хатоликлар» ва «оғмачиликлар» юз бергани тан олинган, бироқ бу хатоликлар фақат айрим жойларда эмас, балки умумиттифок масштабида юз берган эди. Қулоқ қилиш бўйича оммавий кампаниянинг бошланишидан оқ ВКП(б) ва совет ҳукуматининг қулоқларни тугатиш сиёсатидаги синфий принцип ва йўналишдан четга чиқиш содир бўлган эди.

Қулоқ қилиш пайтида нафақат бой деҳқонлар, балки ўртақоллар, камбағаллар, қишлоқ зиёлилари ва руҳонийлари ҳам таъқиб ва қувғинга учради. 1930 йилда қулоқ қилиш авжига чиққан маҳалда совет ҳукумати марказий органларига нотўғри сургун қилинганлик ҳақидаги шикоят аризалари ҳам оқиб кела бошлади. 1930 йилда М.И.Калинин қабулига 172,5 мингдан зиёд аризалар (1930 йилда қулоқ қилинган хўжаликларнинг 50 фоиздан ортиғи) келиб тушган. СССР МИК қотибияти томонидан муҳокама қилинган 785 та ишдан 519 тасида улар нотўғри қулоқ қилинганлиги тан олинган, 238 тасида эса қарор ўз кучида қолдирилган. Қулоқ қилиш жараёни принципидаги кўпол хатоликлар иттифокнинг барча минтақаларида умумий қонуният сифатида намоён бўлди. Бу эса қулоқ қилиш деҳқонлар оммасининг фақат юқори қатламига эмас, балки бутун деҳқонлар оммасига қарши қаратилганидан далолат беради. Бутуниттифок марказий ижроия қомитети қотибияти маълумотларига кўра, иттифокнинг айрим минтақаларида қулоқ қилиб юборилган ўртақол ва камбағал деҳқонлар барча қулоқ қилинган хўжаликларнинг 71-89 фоизини ташкил этган².

Сталин бошчилигидаги раҳбариятнинг қишлоқ хўжалигини қайта ташкил этиш борасидаги сиёсатининг ночор аҳволи бу сиёсат назарияси ва амалиёти ўртасидаги чуқур зиддиятларда намоён бўлди. Бу зиддият қулоқ қилишнинг коллективлаштиришдан ажратилганида ўз аксини топди. Амалиётда қулоқ қилиш коллективлаштиришнинг асосий таркибий қисми эмас, балки коллективлаштириш қулоқ қилиш жараёнинг натижаси, якуний қисми бўлди. Агар қулоқ қилиш бўйича оммавий кампания бошланишидан аввал СССРда 58 фоиз деҳқон хўжаликлари колхозларда бўлган бўлса, 1930 йилнинг кузида, яъни 320 мингдан ортиқ хўжалик қулоқ қилинганидан кейин колхозларда 21 % деҳқон хўжалиги қолган эди, холос. 1931 йилнинг кузида қулоқ қилиш кампаниясининг асосий тўлқини пасайганидан кейин колхозларда 60 % деҳқон хўжаликлари бирлаштирилган эди³.

¹ Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.: «Политиздат», 1975. – С. 320-321.

² Пашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 60.

³ Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.: «Политиздат», 1975. – С. 329-332.

1931 йил мартдан кулоқ қилиш кампаниясининг иккинчи этапи бошланди. ОГПУ раиси ўринбосари Ягода 1931 йил 15 мартда имзолаган мутлақо махфий меморандум барча республикалар, ўлка ва вилоят ОГПУ мухтор вакилликларига юборилди. Унда шундай дейилган эди:

«Кулоқларни батамом тугатиш мақсадида 1931 йил майидан сентябрига қадар барча областларда кулоқ хўжаликларини тугатиш ва уларни иттифокнинг чекка ҳудудларига сургун қилиш бўйича оммавий операция ўтказиш белгиланмоқда. Операцияни ўтказиш юзасидан қуйидаги тадбирларни кўриш буюрилади:

1. Ҳар бир ўлка, областлардаги кулоқ хўжаликлари миқдорини аниқлаш, жумладан ўтган йилда тугатилган, лекин сургун қилинмай қолган кулоқ хўжаликлари сонини ҳам аниқлаш.

2. Кулоқ хўжаликларининг шу пайтдаги яшаш жойларини, асосан оила бошлиқларини аниқлаш.

3. Яшаш жойларидан ёки сургун жойидан қочган кулоқларни агентура йўли билан аниқлаш, шаҳарларда яшириниб юрган, саноат корхоналарига кириб олган кулоқларни аниқлаб, рўйхатга олиш.

4. Колхозлар таркибини синчковлик билан текшириш, унга кириб олган кулоқларни рўйхатга олиш»¹.

Шу тариқа кулоқ қилишнинг иккинчи этапида ОГПУ органлари ВКП(б) МК билан келишилган ҳолда, 1930 йилдаги тажрибани такомиллаштириб, қатағонларнинг қаттиқ дастурини ишлаб чиқди.

Операциянинг бошлангани ҳақидаги хабар Ягоданинг 1931 йил 25 февралдаги №№ 1917 ва 1920 директивалари орқали жойларга етказилди. 1931 йил мартдан кулоқ қилиш бўйича оммавий кампаниянинг иккинчи тўлқини бутун иттифокнинг ғаллакор, истеъмолчи ва миллий районларини қамраб олди. Кулоқларни тугатиш ва сургун қилишни аниқлаштириш ва бу ишлардаги умумий раҳбарликни ташкил этиш мақсадида 1931 йилнинг 3 мартда ВКП(б) МК СССР ХКС раиси ўринбосари А.А.Андреев, ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягода, ВКП(б) МК секретари П.П.Постишевлардан иборат махсус комиссия тузди. Бу комиссияни олий учлик деб аташ мумкин эди. Комиссия кулоқ қилиш, сургун, хўжалик қурилиши, сургун қилинганларни маъмурий бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилар эди. ВКП(б) ва совет давлати юқори органлари кўрсатмалари бўйича маҳаллий партия ва совет органлари кулоқ хўжаликларини тугатиш ва сургун қилиш бўйича амалий ишларга киришадилар. Кулоқларни синф сифатида тугатиш бу пайтга келиб шиддатли, ҳужумкор тус олди. 1931 йилда Ўрта Осиё бўйича 6785 оила (33081 киши) сургун қилинди. Умуман, 1931 йилда СССР бўйича 265795 оила (1243860 киши) сургун қилинди².

1931 йил кузида иттифок миқёсидаги кулоқ қилиш бўйича «оммавий кампания» якунланди. Бироқ, СССРнинг айрим минтақаларида, жумладан Ўрта Осиё республикаларида кулоқ қилиш кейинги йилларда ҳам амалга оширилди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1932 йил 4 майда «1932 йилда кулоқларни сургун қилиш режаси ҳақида»ги масалани кўриб чиқиб, жорий йилда 38300 кулоқ оиласини (жумладан, 7000 оилани Ўрта Осиё республикаларидан) сургун қилиш ҳақида қарор қабул қилган. СССР Халқ Комиссарлари Совети 1932 йил 7 майда иттифокнинг турли районларидан 38 минг кулоқ оиласини сургун қилиш ҳақида қарор чиқаради. Бироқ, ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 16 майда юқоридаги қарорларни бекор қилади ва ОГПУга қишлоқлардаги алоҳида аксилинқилобий унсурларни якка ҳолда бирма-бир қамоққа олишни тавсия этади. Лекин, Ўрта Осиё бюросининг 1932 йил 19 майдаги сўрови бўйича,

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. / Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – С. 566-567.

² Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004. – с. 43.

истисно тариқасида Ўрта Осиё республикаларидан 7000 кулоқ оиласини минтақа ичида ички сургун қилишга рухсат берилади¹.

Шу тариқа, 1930-1932 йилларда СССРда 587,5 минг оила кулоқ қилинди. Тадқиқотчи Н.А.Ивницкий ҳисоб-китобида кўра, 1931 йил охирида СССРда кулоқ хўжаликлари 1929 йилдаги кўрсаткичдан 7 мартага қисқарган ва 150 мингтани ташкил этган. 1933 йилда эса, мамлакатда 50 минг атрофида «кулоқ даражасидаги» хўжаликлар рўйхатга олинган².

1933 йил 20 апрелда СССР ХКС № 775/146 сс сонли «ОГПУнинг меҳнат манзилгоҳларини ташкил этиш ҳақида» қарор қабул қилади. Бу қарор асосида СССРда кулоқ қилиш операциясининг учинчи этапи бошланди. 1933 йил охирига келиб, мамлакат бўйича 54600 «кулоқ хўжалиги» ва 133400 якка деҳқон хўжаликлари бошлиқлари «ғалла тайёрлашдаги саботаж учун» 3 йилдан 5 йилгача муддатга сургун қилинди. Бунга кўра, 1933 йилда 188000 деҳқон хўжалиги қатағон қилинган³.

Оммавий кулоқ қилишнинг учинчи этапида – 1933-1940 йилларда 212630 деҳқон хўжалиги қувғин қилинди.

СССРда кулоқ қилишнинг охириги – тўртинчи этапи 1945-1952 йилларда амалга оширилди. Бу даврда Латвия, Литва, Эстония, Молдавия, Белоруссия ва Ўрта Осиёдан 67217 хўжалик кулоқ қилинди⁴. Ўрта Осиёдан тугатилган хўжаликлар якка ҳолда тугатилган хўжаликлар бўлиб, улар асосан Сибирга сургун қилинган. Нисбатан кенг кўламдаги кулоқ қилиш бу даврда асосан Болтиқбўйи республикаларида амалга оширилди.

Хуллас, кенг миқёсдаги хилма-хил архив ҳужжатлари ва манбаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш асосида хулоса чиқариш мумкинки, 1930 йилдан 1952 йилга қадар совет иттифоқида 867407 деҳқон хўжалиги «кулоқ хўжалиги» сифатида қатағон қилинган. Кулоқ қилиш жараёнида партия ва совет ҳукуматининг қатағон сиёсатини амалга оширишда ОГПУ органлари шафқатсизларча, ҳал қилувчи роль ўйнади. ОГПУнинг жазо фаолияти кулоқ оилаларини сургун қилишда янада аниқ ва тўла намоён бўлди.

II боб. ҚУЛОҚЛАР СУРГУНИ ВА УНДА ЖАЗО ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ

II. 1. Кулоқ оилаларининг сургун қилиниши ва унинг репрессив механизми

1930 йил 30 январда СССР ОГПУ коллегияси томонидан ОГПУ доимий вакиллигининг кенгаши чақирилиб, унда кулоқлар бўйича операцияларнинг барча масалалари, жумладан, 2-тоифадаги кулоқларни сургун қилиш масаласи муҳокама қилинади. Кулоқ оилаларини сургун қилиш ҳақидаги директива ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги 44/21-сонли буйруғи билан берилган эди. Унда аксилинқилобий кулоқлар (1-тоифа) дарҳол тугатилиши, операцияни 2-тоифадаги кулоқ хўжаликларини сургун қилиш

¹ Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.1. / Отв. ред. Н.Н.Покровский. – М.: «РОССПЭН», 2005. – С. 544-545.

² Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929-1932 гг.). – М.: «Наука», 1972. – С. 296.

³ Пашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 65.

⁴ Пашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 66.

кампанияси бошланишига қадар якунланиши кераклиги айtilган эди.¹ Бой қулоқ хўжаликлари (собик помешчиклар, ярим помешчиклар, маҳаллий йирик қулоқлар ва улар оилалари, черков ва сектачилар фаолларини ва улар оила аъзоларини) иттифокнинг шимолий районларига сургун қилиш ва уларнинг мол-мулкини мусодара қилиш кўзда тутилган эди.

Иккинчи тоифадаги қулоқ оилаларини сургун қилиш операцияларига раҳбарлик қилиш учун (сургун қилинаётганларни танлаш, мол-мулкини мусодара қилиш бўйича жойларда тезкор “учлик”лар ташкил қилиш, сургун қилинаётганларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш, сургун жойига юбориш) комендантлар бошлиқ йиғув пунктлари ташкил этиш тавсия қилинади. Район ва округ ижрокомларига эса сургун қилинадиган қулоқ хўжаликлари рўйхатини тузиш ҳамда сургун қилиш бўйича кампанияни пухта ўтказишни таъминлаш вазифаси юклатилади.

Жойларда қулоқ оилаларини сургун қилиш маҳаллий партия, комсомол, совет ва батрак-камбағаллар фаоллари томонидан ўтказилиши ҳам кўрсатмада айтиб ўтилган эди. Шунингдек, сургун қилинаётган оилаларнинг мол-мулкини мусодара қилиш тегишли жойларда ижрокомлар томонидан марказ кўрсатмалари бўйича амалга оширилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди².

Сургун қилинаётганларга жўнатилиш чоғида ўзи билан бирга белгиланган нормада керакли рўзгор буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари олишга руҳсат берилган. Шунингдек, улар ўзлари билан болта, арра, лопатка, дурадгорлик асбоблари ва озиқ-овқатлар (икки ойга етарли даражада, ҳар бир оила учун 25-30 пуддан ошмаган миқдорда) олиши белгиланган³.

СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1930 йил 4 февралдаги умумий қоидаси асосида республикалар, ўлкалар ва областларда янада аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Жумладан, ЎзКП(б) МК 1931 йил 15 сентябрда “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш тўғрисида” йўриқномани ишлаб чиқиб, жойларга махфий тамға билан йўллаган. Йўриқнома “Умумий кўрсатмалар”, “Ўзбекистон ССРдан ташқарига сургун қилиш тартиби”, “Ўзбекистон ҳудудидаги қулоқ посёлкаларига сургун қилиш тартиби”, “Район ҳудуди бўйича қулоқларни сургун қилиш тартиби ва таркиби (3-тоифа)”, “Буюмларни мусодара қилиш тартиблари” қисмларидан иборат бўлган⁴.

Йўриқномада “қулоқ қилиш”ни уч тоифа бўйича амалга ошириш белгиланган бўлиб, биринчи тоифага мансуб хўжалиқлар совет ва колхоз тузумига қарши гуруҳларнинг қатнашчилари ҳисобланган. Бундайлар зудлик билан қамоққа олиниши, оиласи эса бошқа минтақаларга сургун қилиниши лозим эди. Иккинчи тоифани ташкил этган “йирик қулоқлар ва коллективлаштиришга фаол қаршилиқ кўрсатганлар” оиласи билан бирга бошқа минтақаларга сургун қилиниши режалаштирилган. Ниҳоят, 3-тоифага мансуб бўлган “қулоқларнинг қолган қисми” эса ўзлари яшаб турган районнинг чекка ҳудудларига кўчирилиши зарур бўлган.

Бошқа минтақаларга сургун қилинадиган биринчи ва иккинчи тоифага мансуб қулоқ оилаларини зудлик билан мамлакатнинг чекка минтақаларига сургун қилиш белгиланди. Йўриқномага кўра, оила таркибида меҳнатга яроқлилари бўлмаган

¹ Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: “Шарқ”, 2003. – 164-бет.

² Ўша жойда.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. /Составители: проф. Р.Т.Шамсутдинов, к.и.н. Б.М.Расулов. Под ред. проф. Д.А.Алимовой. – Т.: «Шарқ», 2006. – С. 175-176.

⁴ Қаранг: Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 1. – С. 472-480.

хўжаликлар, 65 ёшдан ўтганлар, чақалоғи ёки ёш боласи бор oilалар, хомиладорлар, оғир касалларни сургун қилиш мувофиқ эмас деб топилди. Улар учинчи тоифага ўтказилиб, район ичида, колхоз ерларидан ташқарига кўчирилиши белгиланган эди¹. Лекин амалда бу қоидаларга риоя қилинмади.

Сургун қилиш райиждокомлар томонидан тузилган ва округ иждокомлари вакиллари томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича амалга оширилиши белгиланган. Бу рўйхатлар колхозчилар ва камбағаллар йиғинида муҳокама қилиниши ва шундан кейингина сургун амалга оширилиши лозим эди.

Тугатилган қулоқ хўжалиги аъзолари йиғув пунктларига соқчилар кузатувида олиб борилган ва бу ерда анкета тўлдирилганидан кейин, улар ОГПУнинг округ ёки район бўлими оператив гуруҳига топширилган. Оператив гуруҳ томонидан ҳар бир oilaанинг тўғри ёки нотўғри қулоқ қилингани, инструкцияда белгиланган миқдорда мол-мулк, пул ва озиқ-овқат қолдирилганлиги текширилиши лозим бўлган. Инструкцияга зид ҳолат аниқланган тақдирда қулоқ қилинган oilани орқага қайтариб юбориш лозим эди. Йиғув пунктларидан нотўғри қулоқ қилинганларни ва етарли миқдорда озиқ-овқати бўлмаган oilаларни сургун қилиб юборилишига йиғув пунктлари комендантлари жавобгар бўлган.

Ўзбекистонда қулоқ-бой унсурларининг фаоллигини ҳисобга олиб, ОГПУ органлари район “учлик”лари томонидан қулоқ қилинганлар рўйхати берилгандан сўнг сургун қилинаётган oila эркакларини қамоққа олиши ҳам мумкин эди. Сургун қилинаётганларнинг қочиб кетмасликлари ёки босмачи тўдалар ташкил қилмасликлари эътиборга олиниб, шундай жазо чорасини қўллаш лозим кўрилган.

Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарига сургун қилинадиган қулоқ oilалари ўзлари билан камида икки ойлик озиқ-овқат, зарур уст-бош, оддий рўзғор буюмлари (кетмон, болта, арра, кирка ва бошқалар), рўзғорда ишлатиладиган майда буюмлар олиши мумкин эди. Ҳар бир oila учун озиқ-овқат ва ишлаб чиқариш воситасидан ташқари 30 пудлик юк олиши кўрсатилган. Каравот, сандиқ ва бошқа оғир буюмлар олиш мумкин бўлмаган.

Тугатилган қулоқ хўжаликларининг қолган мол-мулки қишлоқ советлари ёки райиждокомлар қарори билан мусодара қилинган ва белгиланган баҳоларда камбағал-батракларнинг аъзолик бадали сифатида колхозларга берилган. 500 сўмдан ортиқ нақд пул, қимматбаҳо металллар, валюталар сақлаш учун молия бўлимларига топширилган.

Сургунни ташкил қилувчи район ташкилотлари ОГПУ органлари режаларида кўрсатилган тадбирлар асосида иш кўриб, сургун қилинаётган oilаларни концентрацион пунктларга етказишга раҳбарлик қилиши, қулоқ oilаларини поездларга жойлаштириш ва сургун жойига етказиб қўйиш ОГПУ органлари томонидан амалга оширилиши алоҳида кўрсатилган².

Қулоқ қилинган деҳқон хўжаликларини сургун қилишнинг идеал варианты шундай белгиланган эди. Аммо, мамлакатнинг чекка, қимсасиз, ноқулай минтақаларига минглаб беғуноҳ кишилар – эркак ва аёллар, қариялар ва болаларни сургун қилиш амалиёти гувоҳлик бермоқдаки, юқоридаги аниқ кўрсатмаларга риоя қилинмаган. Жумладан, йўриқномада 65 ёшдан ўтганлар, хомиладор ва ёш боласи бўлган аёллар сургун қилинмаслиги кўрсатилгани ҳолда, улар мажбуран сургун қилинди. Айрим ҳолларда эса бундайлар ўз oilасидан ажраб қолишни истамади, айрим ҳолларда эса қолмоқчи бўлганларга район иждоия комитетлари розилик бермади.

Ўзбекистондан ташқарига сургун қилинган қулоқ oilаларининг кўпчилиги жўнатув пунктларига юпун кийимларда, ҳеч қандай буюмларсиз, ҳатто ялангоёқ ҳолда

¹ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Т.: “Шарқ”, 2001. 108-бет.

² Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – 108-109-бетлар.

хайдаб келинган. Бу ҳақда ОГПУ органларининг ҳисоботларида кўплаб мисоллар келтириб ўтилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакиллиги Махфий-оператив бошқармаси (СОУ) бошлиғи Петросьяннинг 1931 йил 31 августида юқори партия-совет органларига йўллаган маърузаномасида қулоқ оилаларининг Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилишнинг репрессив механизми яққол ўз ифодасини топган. Унда айтилишича, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1931 йил 29 июндаги қарори билан Ўрта Осиё республикаларидан 6000 қулоқ хўжалигини минтақадан ташқарига сургун қилиш белгиланган бўлиб, бу операцияга кўпгина районларда етарлича тайёргарлик кўрилмаган. Жумладан, район ташкилотлари қулоқ оилаларининг аниқ рўйхатини тузмаганлар, мавжуд рўйхатдагилар эса тўла эмас, айрим хўжаликлар ўз-ўзини тугатган ёки қочиб кетган¹.

Қулоқ хўжаликларини сургун қилиш бўйича тайёргарлик ишлари ОГПУ органлари томонидан 1931 йил июнь ойи охирида тугалланган. Оператив режани ишлаб чиқишда камбағал, ўртаҳол хўжаликларни ва ногиронларни сургун қилмасликка эътибор берилган, шунингдек, сургун қилинадиганларнинг районлар бўйича лимити белгиланган.

1931 йилнинг июнь ойи давомида Ўрта Осиё республикаларидаги қулоқ хўжаликларнинг умумий миқдори белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистондан – 8346 хўжалик, Туркменистондан – 6322 хўжалик, Қирғизистондан – 2055 хўжалик, Тожикистондан – 1632 хўжалик, Ўрта Осиё бўйича жами 18356 хўжалик қулоқ сиқатида рўйхатга олинган. Ушбу миқдордан келиб чиқиб, сургун қилинадиган хўжаликлар республикалар бўйича қуйидагича тақсимланган: Ўзбекистондан – 3500 хўжалик, Туркменистондан – 1000 хўжалик, Қирғизистондан – 700 хўжалик, Тожикистондан – 700 хўжалик, Қорақалпоғистондан 100 хўжалик, Ўрта Осиё бўйича 6000 хўжаликни сургун қилиш режалаштирилган².

Жойларда қулоқ хўжаликларини рўйхатга олиш ишлари аниқ йўлга қўйилмаган, натижада йиғув пунктидагилар сургун қилинадиган хўжаликлар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлмаган. Бухоро оператив сектори районлари бўйича йиғув пунктига келтирилган 58 қулоқ хўжалигидан 36 тасида оила бошлиғи қариялар ва ногиронлар бўлган, 22 та оила эса қулоқлар рўйхатига нотўғри киритилган.

Хумдон райони бўйича сиёсий вакил қулоқ оилаларини қамоққа олиш билан ўзи шуғулланган. Унинг участкасида 78-80 ёшли касал қариялар ҳам сургун қилиш учун келтирилган.

Термиз оперсектори районларида эса 12 та хўжалик нотўғри равишда қулоқлар рўйхатига олинган. Тошкент райони бўйича эса 25 та хўжалик сургун қилишдан чиқарилган: улардан 3 таси ногиронлиги учун, 5 таси қариялиги учун, 12 таси нотўғри рўйхатга олинганлиги учун, 5 таси эса бошқа сабаблар билан қолдирилган.

Фарғона оператив сектори районларидан 60 дан ортиқ хўжалик сургун қилишдан чиқарилган. Улардан 35 таси оилада меҳнатга яроқлилар бўлмаганлиги учун, 20 таси эса қулоқлар рўйхатига нотўғри киритилганлиги учун чиқарилган³.

Қулоқ оилаларини сургун қилиш операциясини ўтказиш учун қуйидаги тадбирлар белгиланган: ҳар бир оиланинг меҳнатга яроқли аъзоси қочиб кетмаслиги учун ҳибсга олинган, операцияни 21-22 август кунларида кечаси ўтказиш белгиланган. 30 августда эса қулоқ оилаларини сургун қилиш асосан якунланган. Биринчи эшелонга қулоқ оилаларини

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. – С. 18-19.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. – С. 20.

³ Кўрсатилган манба. 21-22-бетлар.

чиқариш ОГПУ Транспорт бўлими режаси асосида 24 августда, эшелонларни жўнатиш эса 25 августда амалга оширилган. Ҳар куни 2 тадан эшелон сургун жойига юборилган. Улардан бири Каспий денгизи орқали Шимолий Кавказ ўлкасига, иккинчиси Казалинск орқали Украинага жўнатилган¹.

1931 йилнинг 31 августидан жўнатилиши лозим бўлган 20 та эшелондан 9 таси йўлда бўлган. Уларда 2108 оила бўлган (Пишпекдан йўлга чиққан 610-эшелондан ташқари). Сургун пайтида қулоқларнинг қочишга уриниш ҳаракатлари содир этилмаган. Эшелонларнинг таъминоти кўнгилдагидек йўлга қўйилган.

Ўрта Осиё республикаларидан қулоқ оилаларини бошқа ўлкаларга сургун қилиш режаси тўла бажарилган. Лекин ОГПУ Ўрта Осиё мухтор вакилликнинг маърузаномасига кўра, бу операцияни ўтказиш чоғида маҳаллий партия-совет органлари вакиллари томонидан айрим оғмачиликларга ҳам йўл қўйилган. Чунончи, сургун қилиш бўйича қишлоқ ва район вакиллари операция ишида сушт фаолият кўрсатган, кўп ҳолларда улар бу ишга бефарқлик билан қараган. Айрим жойларда партия аъзолари ва қишлоқ фаолларни сургун қилинаётган қулоқ оилаларига ҳамдардлик билдирган, баъзилари эса сургун пайтида ҳатто йиғлаган. Баъзи жойларда (Тошкент, Қирғизистон) сургун қилинаётганлар учун пул йиғилган².

Айни пайтда айрим районларда сургун қилишга масъул бўлган партия-совет ходимлари ҳаддан ошиш ҳаракатларини содир этган. Масалан, ЎзКП(б) Қибрай қишлоқ партия ячейкаси масъул котиби Миродилов томонидан сургун қилинаётган қулоқларнинг қариндошлари ҳам қамоққа олинган.

Қулоқларни рўйхатга олиш ва сургун қилиш бўйича масъул ходимларнинг ҳаддан ошишлари асосан, камбағал ва ўртаҳол хўжаликларни ҳам қулоқлар қаторига киритишларида кўпроқ кўринган. Энг ёмони, баъзи районларда сиёсий комиссиялар, ҳатто Марказий Комитет вакиллари районлар бўйича ўта юқори сургун қилиш нормаларини белгилаганлар. Масалан, Нарпай райони бўйича вакил Антонов районда 180 тадан ортиқ қулоқ хўжаликлари мавжудлигига кўпчиликти ишонтирган ва бу миқдорни ортиғи билан бажарган. Бу каби ҳолат Қува, Молотов районларида ҳам кузатилган³.

Сургун операциясини ўтказишда баъзи фаоллар сургун қилинаётганларнинг бутун ашёларини мусодара қилиб, уларни сургун жойига ялангоёқ ҳолда келтирганлар. Қўқон йиғув пунктига биринчи куни келтирилган қулоқ оилаларининг ярми юпун аҳволда бўлган. Айрим жойларда сургун қилинаётганлар фаоллар томонидан калтакланган. Вобкент райони Тириста қишлоқ совети вакили Алиев сургун қилинаётган аёллардан Хожи Ҳамраева, Фотима Раҳматоваларни калтаклаган. Бухоро райони партия комитети вакили Жангиров Арапхона қишлоғилик ўртаҳол деҳқон Қобиловни милтиқ қўндоғи билан урган, натижада Қобилов кўп қон йўқотган⁴.

Сургун операцияси даврида бу ишга масъул кишиларнинг сургун қилинаётганларга ачиниши, уларга хайрихоҳлик қилишлари ҳам кузатилган. Тошкент округи, Калинин районида сургун қилиниши лозим бўлган бой қўлга олинганида унга ачиниб, йиғлаганлар. Тошкент районида қулоқ оилаалри сургун қилинаётган пайтда айрим партия аъзолари ва соқчилар йиғлаганлар. Бу каби ҳолатлар Ўрта Осиёнинг барча республикаларида юз берган. Айрим ҳолларда партия-совет ходимлари сургун операциясига бефарқлик билан қараб, бунга ўз норозилигини намоён қилганлар⁵.

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. – С. 23.

² Кўрсатилган манба. 23-24-бетлар.

³ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. – С. 25.

⁴ Кўрсатилган манба. 26-бет.

⁵ Кўрсатилган манба. 26-27-бетлар.

Умумий ҳолатда маҳаллий ҳокимият органларининг ўзбилармонликлари натижасида кулоқ сифатида сургун қилинган оилалар қаторига кўплаб ўртаҳол, ҳатто камбағал хўжаликлар, қишлоқ зиёлилари, руҳоний оилалар ҳам кўшиб юборилди. Энг ачинарлиси, сургун қилинаётганлар юк ташиладиган эшелонларга тикилинч ҳолда жойлаштирилганлар. Йўл давомида уларга худди жиноятчиларга бўлганидек муомала қилинган. Вагонларга керагидан ортиқ одам ортилгани учун уларда жуда ноқулай аҳвол юзага келган. Август ойидаги жазирама иссиқда юк вағонидаги ҳарорат янада юқори бўлган. Бу вазиятда йўл давомида кўплаб қариялар ва ёш болалар бевақт нобуд бўлган.

ОГПУ органлари сургун операциясини амалга оширишда кулоқ оилаларини вагонга ортиш, йўл давомида кузатиб бориш, охириги темирйўл станцияларида қабул қилиб олиш, станцияларда уларни турар жой билан таъминлаш, овқатлантиришни ташкил этиш каби масалаларни аввалдан режалаштирган. ОГПУ Транспорт бўлими юз минглаб кишиларни темир йўл орқали ташишни ташкил этиш дастурини пухта ишлаб чиққан. Улар 16 та минтақа бўйича 1700 та товар эшелонларни жамлаган. Кулоқ оилалари ортилган эшелонларнинг сургун жойигагача харбийлаштирилган жадвал асосида ҳаракатланиши белгиланган.

Сургун пайтида режадан ўрин олган баъзи жиҳатларга эътибор берилмади. Чунончи, ОГПУнинг №44/21 сонли буйруғида сургун қилинаётганларни йўл давомида узлуксиз қайноқ сув билан ва тиббий хизмат билан таъминлаб бориш айтилган эди. ОГПУ Транспорт бўлими эса сургун қилинаётганларни станцияларда камида 2 кунда бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаб туриши зарур эди. Лекин бундай минимум даражадаги қулайлик ҳам сургун пайтида яратилмади.

Сургун қилинганлар ичида болалар кўпчиликини ташкил этди. Бундан ҳам энг муҳими, сургун қилинганларнинг аксарияти меҳнатга яроқсизлар: болалар, қариялар ва ногиронлар бўлган. Кўплаб оилалар эса (асосан 1-тоифа) оила бошлиқларисиз сургун қилинган. Бундай шароитда биринчи навбатда болалар, қариялар ва беморларга тегишли шароит яратиш зарур эди.

1930 йил 18 мартда ОГПУ раҳбарияти барча мухтор вакилликларга махсус директива юбориб, биринчи ва иккинчи тоифадаги кулоқ хўжаликлари таркибида меҳнатга яроқчилари бўлгандагина сургун қилиниши, таркибида ногиронлар бўлган оилалар сургун қилинмаслиги, сургун қилинаётган оилалар ихтиёрида керакли нормадаги озиқ-овқат ва буюмлар қолдирилиши лозимлиги тўғрисида кўрсатма берган эди¹. Афсуски, сургун пайтида бу кўрсатмаларга риоя қилинмади.

1931 йилнинг август-сентябрь ойларидаги Ўрта Осиё республикаларидан кулоқ оилаларини Украина ва Шимолий Кавказга сургун қилиш операцияси давомида Ўзбекистон бўйича жами 3500 хўжалик (18572 киши) сургун қилишга жалб этилиб, амалда 3305 хўжалик (17843 киши) сургун қилинди; Туркманистондан 501 хўжалик (3252 киши) сургунга жалб этилиб, амалда 430 хўжалик (2332 киши) сургун қилинди; Тожикистондан 700 хўжалик (5840 киши) сургунга жалб этилиб, амалда 688 хўжалик (4000 киши) сургун қилинди; Қирғизистон бўйича 700 хўжалик (4761 киши) сургун қилиниши белгиланиб, амалда 708 хўжалик (3559 киши) сургун қилинди. Ўрта Осиё бўйича режага кўра 5401 хўжалик (32425 киши) сургун қилиниши белгиланиб, амалда 5131 хўжалик (27734 киши) сургун қилинди².

Кулоқлар сургуни бўйича рақамларни умумлаштирганда маълум бўладики, 1931 йилнинг 1 сентябригача ўрта Осиё республикаларидан 6944 оила (33278 киши) сургун

¹ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. — Мурманск: 1996. — С. 80.

² Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том 2. — С. 48-49.

қилинган. Улардан 159 оила (197 киши) 1930 йилда, 6785 оила (33081 киши) 1931 йилда сургун қилинган¹.

1931 йилнинг сентябрига ССРСнинг 22 та минтақасидан чекка ўлкаларга 265795 кулоқ оиласи сургун қилинди. 1930-1931 йиллардаги кулоқ қилиш жараёнида биринчи, иккинчи ва учинчи тоифадаги кулоқ хўжаликларидан жами 381026 хўжалик сургун қилинди. Сургун қилинган оилалар таркиби 1803392 кишидан иборат эди².

Умуман, 1931 йилдаги кулоқ хўжаликларини тугатиш ва сургун қилиш жараёнида бу оммавий кампаниянинг репрессив механизми ўзига хос тарзда намоён бўлди. Сургунни амалга оширишда ОГПУ органлари совет давлатининг асосий жазо муассасаси сифатида етакчи ўрин эгаллади. Энг муҳими, сургун қилиш давомида совет ҳукумати расмий сиёсатидан оғиш ҳоллари юз берди, кўпол хатоларга йўл қўйилди. Сургун қилинган “кулоқ” оилалари таркибига минглаб ўртаҳол, камбағал хўжаликлар, шунингдек, қишлоқ зиёлилари, руҳонийлар киритиб юборилди.

II. 2. Жазо органлари томонидан махсус посёлкалар назорати

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш жараёнида «кулоқ» сифатида сургун қилинган деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари мамлакатнинг чекка, ўзлаштирилмаган ҳудудларида ташкил қилинган махсус посёлкаларга жойлаштирилганлар. Сургун қилинган кулоқ оилаларини маъмурий-хўжалик жиҳатдан уюштириш ва бошқариш махсус посёлкалар, район ва посёлка комендатуралари орқали олиб борилган. Махсус кўчирилганлар^{*}нинг асосий қисми (шу жумладан болалар ҳам) ГУЛАГнинг махсус посёлкаларида яшаганлар. Махсус посёлкалар – кулоқ сифатида хўжалиги тугатилиб, сургун қилинган оилаларнинг ОГПУ, НКВД, МВД ГУЛАГи посёлка ва район комендатуралари томонидан бошқарилган, қатъий режимга солинган яшаш маконларидир. Махсус посёлкаларнинг ташкил этилиши ва уларнинг маъмурий бошқарув тизими «кулоқлар сургуни» тарихида ўзига хос ўрин тутди.

Махсус посёлкалар атамаси биринчи бор РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 10 декабрдаги «Чекка ҳудудларга сургун қилинган кулоқ оилаларини меҳнатга йўналтириш ва махсус посёлкаларни ташкил этиш ва бошқариш тартиблари ҳақида»ги қарорида пайдо бўлди. Унда махсус посёлкаларни ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий қоидалари шакллантирилди. Бу вақтга қадар кулоқлар сургун қилинган маконлар «кулоқ посёлкалари» деб аталар эди.

Қарорда махсус посёлкалар ишчи кучи етишмаётган жойларда – ўрмончиликда, қазилмаларни қайта ишлаш соҳаларида, балиқчилик хўжалигида, шунингдек, кўрик ерларни ўзлаштириш мақсадларида ташкил этилиши, махсус посёлкаларни чегара чизиқларига 200 км дан яқин масофада ташкил этиш, темирйўл, шаҳарлар, йирик қишлоқ, ишчи посёлкалари, шунингдек, фабрика- заводлар, колхоз-совхоз ҳамда МТСлар яқинида барпо этиш мумкин эмаслиги қатъий белгиланган эди.

Даставвал махсус посёлкалар ташкил этиладиган жой, уларда жойлаштириладиган оилалар миқдори ўлка ёки област ер ишлари бошқармаси томонидан, тегишли муассаса органлари билан келишилган ҳолда белгиланган ҳамда ўлка ёки област ижрокомлари томонидан тасдиқланган.

Махсус посёлкалар алоҳида маъмурий бўлак сифатида районлар таркибига кирган. Махсус кўчирилганлар ва оила аъзоларининг махсус посёлкалардаги ҳаракатланиш ҳуқуқи чегараланган. Улар посёлка ҳудудини фақат комендант руҳсати билангина тарк

¹ Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 17.

² Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. – С. 85.

* Махсус посёлкаларга сургун қилинган кулоқ оилалари 1930 йилданоқ расмий ҳужжатларда махсус кўчирилганлар деб атала бошлаган.

этиши мумкин эди. Эркин ишга ёлланувчилар фақат район маъмурий бўлими рухсати билангина махсус посёлка ҳудудида яшаши белгиланган. Махсус посёлкалар бўйича ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш фақат ОГПУ (НКВД) нинг махсус қарорлари асосида амалга оширилган.

Махсус посёлкалар бошқаруви ОГПУнинг ўлка, (област) маъмурий бошқармалари томонидан тегишли район ижрокомлари билан келишилган ҳолда тайинланган посёлка комендантлари томонидан амалга оширилган. Комендантлар ҳар бир махсус посёлкаларга тайинланган. Комендантлар тасарруфида ўлка маъмурий бошқармаси томонидан белгиланган техник персонал бўлган. Техперсоналга ОГПУ органлари билан келишилган ҳолда ходимлар ёлланган.

Посёлка ҳудудида тартибни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун комендантлар ихтиёрида 1 тадан 4 тагача милиционер сақланган. Низомга кўра, 50 та махсус кўчирилган оила учун 1 та милиционер бўлиши белгиланган. Комендантларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ОГПУ кўрсатмалари билан белгиланган. Махсус посёлка комендантлари ўз фаолиятлари бўйича ўлка, област ОГПУ маъмурий бошқармасига ва район ижроия комитети раисига бўйсунган¹.

Махсус кўчирилганлар бўйича умумий ишларни ташкил этиш, кўчирилганларга хизмат кўрсатиш бўйича ўлка, (област) ижрокомлари қошида ОГПУ бошқармаси бошлиғи раислигида махсус кенгаш ташкил этилган. Кенгаш таркиби ОГПУ вакили, ер ишлари бошқармаси, меҳнат ва халқ хўжалиги бўлими, халқ таълими бўлими ҳамда соғлиқни сақлаш бўлими вакиллари билан иборат бўлган.

Ўлка (област) маъмурий бошқармаси таркибида махсус посёлкалар бўйича инспекциялар тузилган. Унинг штати НКВД томонидан, Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган².

1930 йил 10 декабрда СССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитети «Махсус посёлкаларнинг комендантлик бошқаруви тўғрисида» қарор қабул қилади. Бу қарорда махсус посёлкалар комендантларининг ҳуқуқлари аниқлаштирилди. Чунончи, посёлкалар бошқаруви бўйича комендантлар ўлка (област) ижроия комитетлари томонидан тайинланадиган бўлди. Комендант ўз фаолияти бўйича район ижрокоми раисига бўйсунитиши белгиланди. Комендант махсус кўчирилганлар таркибидан қишлоқ хўжалик, маданий-маиший ва маҳаллий хўжалик масалалари бўйича комиссия ташкил этадиган бўлди³.

Махсус посёлка комендантларига қуйидаги мажбуриятлар белгиланди:

- посёлка ҳудудида ҳокимият органлари қонун-қарорлари ижросини назорат қилиш; махсус посёлка аҳолисини рўйхатга олиб бориш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиб бориш; посёлкаларда оммавий намоёиш ва йиғинларни ташкил этишга рухсат бериш; жиноий ишларни дастлабки терговдан ўтказиш; посёлка аҳолиси учун белгиланган хўжалик мажбуриятларини ҳаётга татбиқ этиш; хўжалик ташкилотлари буюртмаси бўйича посёлка аҳолисини ишчи кучи сифатида меҳнатга сафарбар қилиш; посёлка аҳолисига топширилган қишлоқ хўжалик жиҳозларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш; махсус кўчирилганлар учун барпо этилган коммунал бинолар ва муассасалардан (мактаб, саводсизликни тугатиш пунктлари, ясли, болалар майдончаси, ўт ўчириш воситалари) тўғри фойдаланишни назорат қилиш; махсус посёлка аҳолисининг озиқ-овқат ва саноат моллари билан белгиланган нормада таъминланишини назорат

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4-х томах. /Том. 3. 1930-1934. Книга 1. 1930-1931 гг. /Под ред. А.Береловича, А.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – С. 419.

² Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. 1927-1939. В 5 томах. / Т.2. Ноябрь 1929-декабрь 1930. – М.: «РОССПЭН», 2000. – С. 215.

³ Абдуллаев М. Қулоқлар сургунида махсус посёлкаларнинг бошқарув тизими. // БухДУ хабарномаси. 2011. №1. 27-бет.

килиш; посёлка аҳолисининг солиққа тортилган объектлари рўйхатини олиб бориш; махсус посёлка аҳолиси ўртасида – биринчи навбатда ёшлар орасида сиёсий-маърифий ишларни ташкил этиш; вояга етмаганларни мактабга жалб этиш тадбирларини олиб бориш; посёлканинг маиший-хўжалик эҳтиёжлари сметаси ва оммавий-маданий ишлар, посёлка бошқарув-қўриқлаш аппарати ҳаражатлари сметасини тузиш¹.

Комендант ўзига махсус кўчирилганлар ичидан ҳар 10 хўжаликка биттадан ёрдамчи тайинлаши мумкин эди. Махсус посёлкадан қочганлар ёки уч мартагача меҳнатдан бош тортганларнинг меҳнат-тузатув лагерларига жўнатилиши белгиланган.

Шу тариқа махсус посёлка комендантларига махсус кўчирилганларга нисбатан ижроия, ҳатто судлов ҳокимияти бериб қўйилди. Комендантлар ҳокимияти СССР МИК Президиумининг 1931 йил 1 июнда қабул қилинган «Махсус посёлкаларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш столини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан янада кучайтирилди².

1931 йил июль ойигача сургун қилинган кулоқ оилаларини жойлаштириш, хўжалик жиҳатдан уюштириш ва маъмурий бошқариш ишлари билан маҳаллий ижроия комитетлари шуғулландилар. Улар ўз комендантлик органлари орқали махсус кўчирилганларни бошқарганлар. Бироқ, бу органлар томонидан тегишли вазифаларга етарли эътибор берилмади. Қуйи маъмурий аппарат назоратининг сустлиги боис, сургун қилинганлар орасида қочиб кетиш, бетартибликлар авж олган. Сургун қилинганларни хўжалик жиҳатдан уюштириш, уларни тегишли соҳалар бўйича иш билан таъминлаш, меҳнатни тартибли ташкил этиш ва меҳнатга яраша рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғри йўлга қўйилмаган.

Сургун қилинганлар орасида маданий-маърифий ишлар олиб борилмаган, бу тадбирлар партия йўлини бузиш деб ҳисобланган. Кулоқ посёлкаларига газеталар, кўчма кинолар келтириш, кулоқ фарзандларини умумий мактабларда ўқитиш таъқиқланган.

Сургун қилинган кулоқ хўжаликлари топширилган хўжалик ташкилотлари улар меҳнатида самарали фойдаланиш бўйича зарурий вазифаларни тўла ҳис қилмаганлар. Бунинг оқибатида белгиланган нормани бажармаслик, бажаришдан бош тортиш, халқ хўжалигига зарар етказиш каби ҳолатлар кўпайган. Энг ёмони, махсус кўчирилганларга эркин ишчиларга нисбатан икки баробар ортиқ нормалар белгиланган, иш вақтлари узайтирилган, турли оғир ишларда аёллар ва болалар меҳнатида фойдаланилган³.

Кулоқлар сургун қилинган қатор вилоятларда улар бириктирилган хўжалик ташкилотлари маъмурияти ва посёлка комендантларининг кулоқларни калтаклаши ва ҳўрлаши қайд қилинган. Айниқса, комендантларнинг ўзбошимчалик билан кулоқларни отиб ташлаши, аёлларга тажовуз қилиши, овқат улушларидан маҳрум қилиши ва бесабаб қамоққа олиш ҳолатлари юз берган.

Кулоқ посёлкаларида қўриқлаш ишлари яхши олиб борилмаган. Яшаш шароитларининг оғирлиги, маиший аҳволнинг ночорлиги, озиқ-овқат етишмаслиги оқибатида посёлкалардан кулоқларнинг қочиб кетиши оммавий тус олган. Жумладан, 1931 йил 15 августига қадар Ўрта Осиёдаги кулоқ посёлкаларидан 240 киши қочиб кетган, улардан бирортаси ҳам ушланмаган. Умуман, 1931 йил 15 августига қадар СССРнинг турли минтақаларидаги кулоқ посёлкаларидан 65480 киши қочиб кетган бўлиб, улардан 11856 таси ушлаб келинган, холос⁴.

Сургун қилинган кулоқ хўжаликларини маъмурий ва ташкилий жиҳатдан бошқаришни ОГПУ тасарруфига ўтказиш ҳақидаги қарор СССР ХКС қошида ташкил этилган кулоқлар масаласи бўйича А.А.Андреев бошчилигидаги комиссиянинг 1931 йил

¹ Ўша ерда.

² Собрание законов СССР. 1931. № 44. – С. 135.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Т.3. Кн.1. – С. 727.

⁴ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Т.3. Кн.1. – С. 739.

15 майдаги йиғилишида қабул қилинган. 1931 йил 20 майда бу қарор ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг қарори сифатида қабул қилинди¹. СССР ХКСнинг 1931 йил 1 июлдаги №130/сс сонли «Махсус кўчирилганларни уюштириш тўғрисида» қарорига мувофиқ кулоқ хўжаликлари жойлаштирилган манзилгоҳлар, уларни хўжалик жиҳатдан уюштириш, маъмурий ва маданий-маиший бошқарув, кўриқлаш, сургун қилинганлар бўйича оператив хизматни йўлга қўйиш ва махсус кўчирилганлар меҳнатидан саноат тармоқларида, қишлоқ хўжалигида мақсадли фойдаланиш бўйича умумий раҳбарлик ОГПУ органлари зиммасига юкланди. 1931 йилда сургун қилинган кулоқ хўжаликларини жойлаштириш харажатлари учун ОГПУга СССР ХКСнинг резерв фондидан 28027400 сўм маблағ ажратилди. Шу муносабат билан махсус кўчирилганлар бўйича фаолият кўрсатаётган барча хўжалик ва маъмурий аппарат (кулоқ посёлкалари, комендатуралар) барча материаллари ва пул жамғармалари билан ОГПУ тасарруфига ўтказилди. Бу қарорни бажариш юзасидан ОГПУ раиси ўринбосари Г. Ягоданинг 1931 йил 25 майдаги № 387 сонли меморандуми ОГПУнинг жойлардаги мухтор вакилликларига юборилган. Бу меморандумнинг юборилиши 1931 йил ёзидаги кулоқлар сургуни операцияси даврига тўғри келди. Ёз давомида ёппасига коллективлаштириш районларидан 185 минг кулоқ хўжалигини сургун қилиш режалаштирилган эди. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1931 йил 20 майдаги қароридан келиб чиқиб, ОГПУ олдига қуйидаги вазифалар белгиланган:

1) Юзага келган тартибсизликларга зудлик билан барҳам бериш; 2) Кулоқлар меҳнатидан самарали фойдаланиш учун хўжалик ташкилотлари билан шартномалар тузиш ва меҳнат муносабатларини назорат қилиш; 3) Сургун қилинган оилаларнинг шахсий қишлоқ хўжалик ва ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш; 4) Махсус посёлкалар бўйича бошқарув ва кўриқлаш аппаратини тузиш; 5) Меъёردаги таъминотни ташкил қилиш; 6) Аввал кўчирилган ва янги кўчирилаётган кулоқ оилалари учун уй-жойлар қуришни тезлаштириш; 7) Тиббий хизмат ва маданий-маърифий хизмат кўрсатишни ташкил этиш; 8) Қариялар, ногиронлар ва болаларга ғамхўрлик қилиш².

Сургун қилинганларни жойлаштириш, маиший-хўжалик жиҳатдан уюштириш ва умумий бошқарув ишлари 1931 йилнинг июнь ойида ОГПУ органларига берилганидан кейин, район ва посёлка комендатуралари фаолиятида ҳам ўзгаришлар юз берди.

ОГПУнинг 1931 йил 20 июндаги №330/198-сонли «Махсус кўчирилганларга хизмат кўрсатиш аппаратини ташкил этиш тўғрисида» буйруғига кўра, ОГПУ ГУЛАГи таркибида Махсус кўчирилганлар бўлими (ОСП) ташкил этилди. ОГПУнинг Махсус кўчирилганлар бўлими структурасида маъмурий, молиявий, таъминот, маданий-тарбиявий, санитария, ветеринария ва ишлаб чиқариш аппаратларини шакллантириш ҳақида кўрсатма берилди. Худудда сургун қилинган кулоқлар жойлаштирилган посёлкалар бўлган ОГПУ мухтор вакилликлари таркибида ҳам ўхшаш бўлимлар ташкил этилиши кўрсатилиб, Новосибирск, Тошкент, Хабаровск, Олмаотада бу функция бу шаҳарларда жойлашган ОГПУ Лагерлар бошқармасига берилди. Бу аппаратни шакллантириш учун кўрсатилган шаҳарларга 58 нафар малакали чекист ходимлар сафарбар қилинган³.

1931 йил 25 октябрда тасдиқланган «ОГПУнинг махсус кўчирилганлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари ва посёлка маъмурияти функциялари бўйича муваққат низоми»да район ва посёлка комендантларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган эди. Қуйида «Муваққат низом»нинг маъмурий бошқарув билан боғлиқ бўлими хусусида тўхталиб ўтамиз.

¹ История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: «РОССПЭН», 2004. – С. 138-139.

² Абдуллаев М. Кулоқлар сургунида махсус посёлкаларнинг бошқарув тизими. // БухДУ хабарномаси. 2011. №1. 33-бет.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Т.3. Кн.1. – С. 738.

Низомнинг «Умумий қоидалар» қисмида махсус кўчирилганлар маъмурий бошқаруви ва маиший-хўжалик турмушини уюштириш учун махсус посёлкаларда ОГПУ комендатуралари ташкил этилиши кўрсатилган. Посёлка комендатуралари район комендатураларига ёки бевосита ОГПУ мухтор вакилликлари қошидаги Махсус кўчирилганлар бўйича бўлимига бўйсунган. Махсус посёлкалардаги ОГПУ комендатуралари ўзининг махсус оператив ва хўжалик функцияларини амалдаги совет органлари – қишлоқ советларининг маъмурий функциясига ўхшаш тарзда олиб бориши лозим эди. Лекин амалда комендатуралар аксарият ҳолларда фақат жазо муассасаси сифатида намоён бўлди.

Махсус посёлкаларнинг ОГПУ органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий бошқаруви махсус кўчирилганлар ҳаётининг барча томонларини қамраб олган эди. Посёлка комендантлари мажбуриятлари қаторига махсус кўчирилганлар маиший-хўжалик турмушига оид ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш, посёлка аҳолисини узлуксиз ҳисобини олиб бориш ва улар меҳнат мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш кабилар кирган. Шунингдек, комендатуралар махсус кўчирилганларнинг оғзаки ва ёзма шаклдаги шикоят-аризаларини ва илтимосномаларини кўриб чиқиб, булар бўйича ўз ваколати доирасида тегишли чора кўриши лозимлиги ҳам белгиланган¹.

ОГПУ комендатуралари посёлка маъмурияти томонидан жорий қилинган тартиб-қоидаларни бузган, шунингдек, партия ва ҳукуматнинг қонунларига зид ҳаракат қилганларни жавобгарликка тортиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Жавобгарликка тортиш: комендатуранинг ўзида, унинг ҳуқуқи доирасида маъмурий тартибда; комендатуралар тақдимига кўра ОГПУ юқори органлари томонидан маъмурий тартибда; ОГПУ мухтор вакиллигининг тақдимига кўра ОГПУ Коллегияси томонидан суд тартибида; ОГПУ ёки Адлия комиссарлиги тергов органларининг тақдимига кўра умумфуқаролик суди тартибида амалга оширилган².

Посёлка комендатураларига ички тартиб-қоидаларни бузганлик (жамоа тинчини бузиш, антисанитария, давлат мулкига бефарқлик ва бошқалар) ва прогул учун 5 суткагача қамокқа олиш ёки 5 сўмгача миқдорда жарима солиш ҳуқуқи берилган. Район комендатуралари эса посёлка тартиб-қоидаларини узлуксиз бузиш, маст ҳолда юриш, хулиганлик, ва такрорий прогул учун 10 суткагача қамокқа олиш ёки 10 сўмгача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга бўлган³.

Махсус кўчирилганларни жиноий жавобгарликка тортишда ҳам ОГПУ комендатуралари дастлабки суриштирув-тергов ишларини олиб борар эди. Аслида, қонунчиликка кўра бу ишлар ички ишлар ходимлари (милиция) томонидан кўрилиши лозим эди.

Махсус посёлка комендантлари кўп ҳолларда ўзбошимчалик билан сургун қилинганларни хўрлар, калтаклар, арзимаган айблари учун асоссиз жарималар солардилар.

Махсус посёлкаларда сургун қилинган кулоқларга турли мажбуриятлар юклаш, қамокқа олиш ва жарима солиш каби жазо чоралари тобора ортиб борган. Бу каби ходисалар бўйича маҳаллий комендатуралар бошлиқларининг ҳаддан ошишлари ва ўзбошимчаликлари ЎзССР НКВД Меҳнат посёлкалари* бошқармаси раҳбарияти томонидан ҳам тан олинган. Чунончи, меҳнат посёлкалари бошқармаси бошлиғи

¹ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Том.2. – Т.: «Шарк», 2006. – С. 187-188.

² Трагедия среднеазиатского кишлака. Т.2. – С. 188-189.

³ Кўрсатилган манба. 189-бет.

* 1934 йилдан эътиборан расмий ҳужжатларда махсус посёлкалар меҳнат посёлкалари, махсус кўчирилганлар эса меҳнат кўчкдилари (трудпоселенцы) деб юритила бошланган.

Ўринбосари Ю.Колесников 1935 йил 17 ноябрдаги маърузаномасида кейинги пайтларда меҳнат посёлкалар комендантларининг ўз вазифасини суистеъмол қилиши, ўзларига берилган ҳуқуқлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ортиб бораётгани ва бу масала бўйича меҳнат кўчиндиларидан кўплаб шикоятлар тушаётганини қайд қилиб ўтган. Масалан 8-сон меҳнат посёлкаси (Учқўрғон райони) коменданти Тошмуҳамедов меҳнат кўчиндисини Старухинани 30 сутка қамаб қўйган. 2-сон посёлка (Ховос райони) коменданти Вербило эса меҳнат кўчиндисини Фатхулла Бақоевга картошка ўғирлади, деган айблов билан 20 сўм, Собир Ҳамраевга эса 30 сўм миқдорда жарима солган. 12-сон меҳнат посёлкаси (Булунғур райони) коменданти Фадеев бир неча бор асоссиз равишда меҳнат кўчиндиларини қамоққа олган ва мажбурий равишда улар меҳнатида шахсий уйи қурилишида фойдаланган. Аслида меҳнат посёлкаси комендантлари меҳнат кўчиндиларини фақат 5 суткагача қамоққа олиш ва фақат 5 сўмгача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга бўлганлар, холос¹.

1938 йилда «ЎзССР 5 йиллиги» боғдорчилик хўжалигидаги 4-сон меҳнат посёлкаси (Оққўрғон райони) коменданти Л.И.Куртман меҳнат кўчиндиларини ҳўрлагани, улардан пора тариқасида 15 минг сўмдан зиёд пул олгани, меҳнат кўчиндиларига тегишли чорва ҳайвонларини тортиб олиб, сотиб юборгани учун ўз вазифасидан озод қилиниб судга берилган. Шунингдек, 10-сон комендатура (Янгийўл райони) ёрдамчи коменданти И.В.Ткаченко ҳам меҳнат кўчиндиларини аёвсиз калтаклагани ва уларга тегишли чорва ҳайвонларини тортиб олиб сотиб юборгани, кўчиндилар маошини бермай ўзида олиб қолгани учун вазифасидан олиниб судга берилган².

1938 йилнинг 1 январида бутун мамлакатда 1761 та меҳнат посёлкаси бўлиб, уларда 274435 оила ёки 997329 киши бор эди. Жумладан, Ўзбекистон ССРда 14 та посёлкада 3579 оила (14207 киши) бўлган³.

ГУЛАГнинг меҳнат посёлкалари бўлими, НКВД бошқармалари қошидаги меҳнат посёлкалари бўлими ҳамда район, посёлка комендатуралари аппарати меҳнат кўчиндилари иш ҳақларидан ушлаб қолинадиган 5 фоизлик чегирма ҳисобидан таъминланар эди. 1937 йилда меҳнат кўчиндилари маошларидан ушлаб қолинган 5 фоизлик чегирма 27 миллион 410 минг сўмни ташкил қилди, унинг 17,3 миллион сўми меҳнат посёлкаларига маъмурий хизмат кўрсатиш ва бошқарув аппарати ходимлари маоши учун сарфланди. Бу даврда меҳнат посёлкалари бўлимида 2548 нафар ходим бўлиб, уларнинг 567 таси милиционерлар эди. 1938 йилда бўлим штатидан 947 таси қискартирилиб, бошқарув аппаратида 1601 киши қолган, улардан 489 нафарини посёлкаларни қўриқлаш ва қочиб кетишларга қарши курашишга масъул бўлган милиционерлар ташкил қилган⁴.

Район комендатуралари штати тўрт кишидан иборат бўлган: комендант (НКВД район бўлимининг оператив вакили), комендант ёрдамчиси, иш юритувчи ва статист. Посёлка комендатураси штати эса комендант, комендант ёрдамчиси ва милиция оператив вакилидан иборат бўлган. Милиция оператив вакиллари 200 тадан ортиқ оила жойлашган посёлкаларга қўйилган, 350 тадан 500 тагача оила бўлган посёлкаларда эса тўртта оператив вакил фаолият кўрсатган⁵.

Хуллас, махсус (меҳнат) посёлкалари махсус қўчирилганларнинг режимга солинган ҳаётининг ўзига ҳос кўриниши сифатида 1954 йилгача фаолият кўрсатди. 1954 йил 13

¹ Абдуллаев М. Ўзбекистонда советларнинг “қулоқ” қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929-1945 йиллар). // Тарих фанлари номзоди даражаси учун диссертация. Тошкент, 2002. 137-бет.

² Ўша ерда. 137-138-бетлар.

³ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 116.

⁴ История Сталинского ГУЛАГа. Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 256.; [26]. История Сталинского ГУЛАГа. Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 255.

⁵ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. – С. 117.

августда СССР Министрлар Советининг № 1738/789сс сонли «Махсус кўчирилган собик кулоқлар ва бошқа шахслардан чекловларни олиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан кейин, район ва посёлка комендатуралари бошқаруви ҳам тугатилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва кулоқлаштириш сиёсати бошланғичидан қишлоқ аҳолисига нисбатан зўравонлик қилиш воситасида олиб борилди. Деҳқонларни колхозларга мажбуран киритиш учун уларга нисбатан зўрлик қўлланди, қатағонларнинг турли воситалари ишга солинди. Маҳаллий партия ва совет органлари Марказдан берилган топшириқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида билан бажариш учун қонунбузарликларни кенг татбиқ этдилар. Деҳқонлар дўк-пўписалар билан, мажбурлаш йўли билан колхозларга киритилди. Колхозларга киришни истамаган кишилар “синфий душман” деб эълон қилинди.

Совет ҳукумати коллективлаштиришни амалга оширишда “синфий кураш” деган ақидани ишга солиб, ўзига тўқ, тадбиркор деҳқонлар катламига нисбатан уруш эълон қилди. Бу хўжаликлар турли усул ва воситалар билан сиқувга олинди. Коллективлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш усуллари татбиқ этишда совет давлатининг жазо муассасаси бўлган ОГПУ-НКВД органлари алоҳида, ўзига хос роль ўйнади.

Коллективлаштиришга норозилик билдирганлар, мол-мулкани колхозга топширишни истамаган хўжалик бошлиқлари “аксинкилобий фаол кулоқлар” сифатида таъқибга олинди. Жазо органлари томонидан қўлга олинган бундай кишиларнинг аксарияти судсиз, терговсиз отиб ташланди, қолган қисми эса узоқ муддатга қамоққа ташланди.

Қишлоқларни “социалистик асосда қайта ташкил этиш”нинг фожиаи кўринишларидан бири – минглаб юртдошларимизни қатағон воситаси орқали Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Ўзбекистоннинг ўзидаги чўл-дашт, ўзлаштирилмаган жойларга сургун қилиб, мажбурий суратда ишлатиш эди. Уларнинг катта қисми йўл азоби, касаллик, очарчилик, қахатчиликдан ўлиб кетди, бир қисми қатағон қилиниб отиб ташланди, шу жойлардан 8-10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилиб, яна сургун жойидан бошқа иқлим шароити ниҳоятда оғир бўлган Сибирь, Узоқ Шарқ, Карелия, Магаданга қамоқ жазосини ўташга бадарға қилиндиларки, у жойлардан камдан-кам махбус омон қолиб ватанига қайтган. Аксарият кўпчилик ўша лагерларда ўлиб кетган. Бу мудҳиш ишларнинг бошида доимо ОГПУ-НКВД органлари турди. Бу орган коллективлаштириш даврида ва ундан кейинги даврда ВКП(б) МК ва совет ҳукуматининг бутун қабих ишларининг ижрочиси вазифасини бажарди.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш бошланишидан то 1954 йилга қадар ГУЛАГ тизимидаги лагерлар аҳолисининг кўпчилигини айна “кулоқлар” ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва кулоқлаштириш даврида кулоқлар “қишлоқ буржуазияси”, “аксинкилобчилар”, “халқ душманлари”, “социализм душманлари” деган номлар билан аталган. Бу номлар билан ўзбек қишлоқларидаги ўзига тўқ, тадбиркор, мулкдор кишиларга нисбатан ҳам ишлатилган. Бу кишиларнинг ноҳақдан қатағон қилиниши масаласининг ҳали очилмаган қирралари кўп ва каттадир. Уни тадқиқ этиш, ёритиш тарихчилар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Истиклол шарофати билан илгарилари “мутлоко махфий” тамғаси билан сақланган архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкони пайдо бўлди. Бу бирламчи манбалардан фойдаланиб мазкур мавзуни ўрганиш ишлари эндигина бошланди. Айниқса, мазкур мавзуни кенг қамровли тадқиқ этиш, ўрганиш борасида хориж давлатларида, хусусан Россия Федерациясида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Россиялик тарихчилар томонидан қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш, кулоқ қилиш, кулоқлар сургун, умуман, совет давлатининг қишлоқларда амалга оширган оммавий қатағон сиёсати ва амалиётини ёритишга қаратилган кўп жилдлик архив ҳужжат ва материаллари тўпламлари нашр этилди.

Бу каби ишлар Ўзбекистон Республикасида ҳам амалга оширила бошланди. Бу борада Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Р.Т.Шамсутдиновнинг илмий фаолияти таҳсинга сазовордир. Р.Т.Шамсутдинов томонидан мазкур мавзунинг турли масалаларига доир тадқиқотлар ўрта Осиё республикалари миқёсида амалга оширилмоқда. Бу мавзу бўйича домланинг бир қанча монографиялари нашр этилди, “Ўрта Осиё қишлоқлари фожиаси: коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун” номли 3 жилдлик архив ҳужжатлари ва материаллари тўплами нашр этилди. Шунингдек, совет давлатининг 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағонлари тарихини ёритувчи 5 жилдлик “Репрессия” китоблари ҳам нашр этилди. Ушбу асарларда Ўрта Осиёдаги коллективлаштириш, кулоқ қилиш, кулоқларнинг сургундаги ҳаётига доир жуда қимматли материаллар биринчи бор илмий истеъмолга олиб кирилган. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилган ёппасига коллективлаштиришнинг фожиали оқибатларидан бири бўлган кулоқлар сургун, махсус посёлкалар тарихини, ўзбек деҳқонларининг сургундаги аянчли турмушини бугунги кун талабалари даражасида тадқиқ этиш ва ўрганиш тарихшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Хусусан, коллективлаштириш ва кулоқлаштиришни амалга оширишда, кулоқлар сургун қилинган махсус меҳнат посёлкаларининг маъмурий бошқарувида жазо органлари етакчи ўрин тутганки, бу муаммони ҳам тарихшуносликнинг бугунги кун талаблари даражасида таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушба магистрлик диссертациясида ўрганилган ва таҳлил қилинган масалалар юзасидан илгари сурилган назарий хулосалардан келиб чиқиб, муаммони янада кенгроқ ва атрофлича ўрганиш, тадқиқ этишга қаратилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

- совет давлатининг зўрлик билан амалга оширган коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун қилиш сиёсати ва амалиёти тарихини бирламчи архив манбалар асосида тадқиқ этиш ва бунда совет давлати жазо органларининг фаолиятини алоҳида тадқиқ этиш;

- ОГПУ-НКВД органларининг коллективлаштириш ва кулоқ хўжаликларини сургун қилишда тутган ўрни ва улар томонидан қўлланган репрессив методларни мавзу бўйича яратилаётган монографияларда акс эттириш;

- сургун қилинган кулоқ хўжаликларини сургун жойларида жойлаштириш, хўжалик жиҳатдан уюштириш ва маъмурий бошқарув ишларида ОГПУ-НКВД органлари ролига танқидий нуқтаи назардан ҳаққоний баҳо бериш;

- совет давлати жазо органларининг кулоқлар сургун давридаги фаолиятини умумлаштирувчи номзодлик диссертациялари, монографиялар тайёрлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва ҳукумат қарорлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: "Ўзбекистон", 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: "Ўзбекистон", 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: "Ўзбекистон", 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: "Ўзбекистон", 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: "Ўзбекистон", 1996.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. Т.7. – Т.: "Ўзбекистон", 1999.
7. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: "Ўзбекистон", 2001.
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: "Шарқ", 1998.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: "Маънавият", 2008.
10. "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлдаги қарори. – "Халқ сўзи", 1998 йил 27 июль.

2. Нашр қилинган ҳужжат ва архив материаллари

1. Документы свидетельствуют: из истории деревни накануне и ходе коллективизации. 1927-1932 гг. Сборник документов. / Сост. В.П. Данилов и др. Под ред. В.П.Данилова, Н.А.Ивницкого. – М.: «Политиздат», 1989. – 525 с.
2. История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: «РОССПЭН», 2004. – 872 с.
3. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и Советского правительства. 1927-1935. – М.: Изд. АН СССР, 1952.
4. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.1. /Отв. ред. Н.Н.Покровский. – М.: «РОССПЭН», 2005. – 912 с. (Серия «Архивы Кремля»).
5. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.2. /Отв. ред. Н.Н.Покровский, В.П.Данилов, С.А.Красильников, Л.Виола. – М.: «РОССПЭН», 2006. – 1120 с. (Серия «Архивы Кремля»).
6. Репрессия 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э.Ю.Юсупов. – Т.: «Шарқ», 2005. – 288 с.

7. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Под. ред. Н.Ф. Каримова. /Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, Э.Ю. Юсупов, А. Мамажонов, Э. Дусматов. Выпуск 3. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь. – Т.: «Шарк», 2007. – 496 с.
8. Репрессия 1937-1938 гг. Выпуск 4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. /Отв. ред. Каримов Н.Ф., Шамсутдинов Р.Т. //Сост.: Р.Т. Шамсутдинов, М. Абдуллаев, Э. Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: «Шарк», 2008. – 576 с.
9. Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы. В 4-х томах. / Т.3. 1930-1934 гг. Кн. 1. 1930-1931 гг. /Под ред. А.Береловича, В.Данилова. – М.: «РОССПЭН», 2003. – 864 с.
10. Среднеазиатский кишлак в годы большого террора. Документы и материалы. /Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.П.Дусматов. – Андижан: Изд. АндГУ, 2007. – 500 с.
11. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. // Главный редакционный совет: В.П.Данилов, Р.Маннинг, Л.Виола. /Т.1: май 1927-ноябрь 1929. – М.: 1999; Т.2: Ноябрь 1929 - декабрь 1930. – М.: 2000; Т.3: 1931-1933. – М.: 2001; Т.4: 1934-1936. – М.: 2002; Т.5: кн.1-2. – М.: 2004-2006.
12. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы. I-II-III том. /Составители: проф. Р.Т.Шамсутдинов, к.и.н. Б.М.Расулов. Под ред. проф. Д.А.Алимовой. – Т.: «Шарк», 2006. Т.1. 656 с; Т.2. 496 с; Т.3. 352 с.
13. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. – Т.: «Шарк», 2007. – 496 б.
14. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. / Таҳрир хайъати Р.Шамсутдинов ва бошқ. //Тузувчилар гуруҳи: Р.Шамсутдинов, Х.Қурбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимметов. – Т.: «Шарк», 2009. 416 б.

3. Монография ва тўпламлар

1. Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929-1932 гг.) – Т.: «Фан», 1977. – 312 с.
2. Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: «Фан», 1995.
3. Волобуев О.В., Кулешов С.В. Очищение. История и перестройка. -М.: Новости, 1989. – 284 с.
4. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. – Т.: «Фан», 1992.
5. Гордон Л.А., Клопов Э.В. Что это было? Размышления о предпосылках и итогах того, что случилось с нами в 30 – 40-е годы. – М.: Политиздат, 1989. – 318 с.
6. Данилов В.П. Коллективизация... / Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: Политиздат, 1989.
7. Данилов В.П. Коллективизация: как это было? / Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. – М.: Политиздат, 1989.
8. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: «Наука», 2003. – С. 306.
9. Ибрагимова А.Ю. Победа ленинского кооперативного плана в Узбекистане 1929-1933 гг. – Т.: «Наука», 1969.
10. Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса. 1929-1932 гг. – М.: «Наука», 1972. – 360 с.
11. Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: «Собрание», 2004. – С. 298.

12. Игнатова Н.М. Осуществление политики спецпереселения и изменения численности спецпереселенцев – «бывших кулаков» в середине 1930-х – 1950-е гг. //Покаяние: Мартиролог. Т.4. Ч.2. /Сост.: Н.М.Игнатова. – Сыктывкар: Коми книжное издательство, 2001. – С. 19-30.
13. Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы Советской власти. – Т.: «Фан», 1984.
14. Исаев Х.И. Рост общественно-политической активностью крестьянства Узбекистана. (1925-1940 гг.) – Т.: «Узбекистан», 1986.
15. История крестьянства СССР. История советского крестьянства. В 5 томах. / Том 2. Советское крестьянство в период социалистической реконструкции народного хозяйства. Конец 1927-1937. – М.: «Наука», 1986.
16. История народного хозяйства Узбекистана. Т.1. – Т.: Изд. АН УзССР, 1962.
17. История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.: Академия наук СССР, 1963.
18. Каримов Н., Шамсутдинов Р. Шахидлар хотираси. Сургун. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
19. Коллективизация сельского хозяйства в республиках Средней Азии и Казахстана: опыт и проблемы. – Алма-ата: «Гылим», 1990.
20. Красильников С.А. Серп и молот. Крестьянская ссылка в Западной Сибири в 1930-е годы. – М.: «РОССПЭН», 2003. – 286 с.
21. Кукушкин Ю.С. Сельские советы и классовая борьба в деревне (1921-1932 гг.). – М.: Изд. Московского университета, 1968.
22. Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане. (1917-1937 гг.) – Т.: 1957.
23. Нуритов А. К вопросу о характере и формах классовой борьбы в узбекском кишлаке (1932-1934 гг.). – Ташкент: 1962.
24. Очерки истории коллективизации сельского хозяйства в союзных республиках. Сборник статей. / Под ред. В.П. Данилова. – М.: Госполитиздат, 1963. – 560 с.
25. Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: Политиздат, 1989.
26. Погудин В.И. Путь советского крестьянства к социализму. Историографический очерк. – М.: «Мысль», 1975.
27. Полян П.В. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. – М.: Мемориал, 2001.
28. Ризаев Г.Р. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Т.: Госиздат УзССР, 1957.
29. Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане. (1917-1965 гг.) – Т.: «Узбекистан», 1967.
30. Рогалина Р.Л. Коллективизация: уроки пройденного пути. – М.: Изд. МГУ, 1989.
31. Селунская В.М. Борьба КПСС за социалистическое преобразование сельского хозяйства. – Москва: 1961.
32. Сельское хозяйство СССР. Статистический сборник. – М.: Финансы и статистика, 1988. – 534 с.
33. Советское крестьянство. Краткий исторический очерк. – М.: «Наука», 1973.
34. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Политиздат, 1992.
35. Страницы истории Советского общества. Люди, проблемы, факты. – М.: Политиздат, 1989.
36. Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.: «Шарқ», 2006. 304 б.
37. Торжество ленинского кооперативного плана в Узбекистане. – Т.: «Узбекистан», 1970.

38. Трапезников С.П. Ленинизм и аграрно-крестьянский вопрос. В 2-х томах. (3-е доп. изд.) Т. 2. Исторический опыт КПСС в осуществлении ленинского кооперативного плана. – М.: «Мысль», 1983. 591 с.
39. Трифонов И.Я. Очерки истории классово-борьбы в СССР в годы НЭПа (1921-1937 гг.) – М.: Госполитиздат, 1960. – 279 с.
40. Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.: Политиздат, 1975.
41. Усмонов И. Катагон курбонлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 224 б.
42. Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. /История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.: 1963.
43. Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР. – М.: 1961. – 282 с.
44. Фицпатрик Шейла. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. /Пер. с англ. – М.: «РОССПЭН», 2001.
45. Халқ хотираси олдида бош эгамиз. – Т.: «Шарқ», 2001. – 128 б.
46. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоклаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. – Т.: «Шарқ», 2001. – 368 б.
47. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. – Т.: «Шарқ», 2001. 415 б.
48. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ ғожеаси: жамоалаштириш, кулоклаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Т.: «Шарқ», 2003. 544 б.
49. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юрдошлар қисмати. – Т.: «Шарқ», 2005. 336 б.
50. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юрдошлар қисмати. – Т.: «Шарқ», 2009. 224 б.
51. Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. 280 с.
52. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида /Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2000. – 688 б.

4. Журнал мақолалари

1. Абдуллаев М. Ўзбекистондаги «кулоқ» посёлкалари. //«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари», 2004, №2.
2. Абдуллаев М. Ҳазорбоғ меҳнат посёлкаси. //«Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», 2005. №3-4.
3. Абдуллаев М. Этник депортацияларнинг катагончилик моҳияти. // «АДУ Илмий хабарномаси». 2010. № 1. 65-69-бетлар.
4. Абдуллаев М. Кулоқлар сургуни ва махсус посёлкалар. // «Жамият ва бошқарув» 2010. № 1. 96-98-бетлар.
5. Абдуллаев М. Сургун қилинган кулоқларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. // «Жамият ва бошқарув» 2010. Махсус сон. 122-126.
6. Абдуллаев М. Дехқон хўжаликларини кулоқ қилишда ОГПУ органларининг роли. // «АДУ Илмий хабарномаси». 2010. № 3. 59-63-бетлар.
7. Абдуллаев М. Ёппасига коллективлаштириш бошланғичидаги оммавий катагонлар. // «Жамият ва бошқарув» 2010. № 3.
8. Аминова Р.Х. Из истории коллективизации в Узбекистане. // «История СССР». – М.: 1991. № 4.
9. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // «Коммунист Узбекистана». 1989. № 9.

10. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш – кашшоқлаштириш демак. // «Шарқ юлдузи», 1992. № 12.
11. Боков Х. Эхо невозвратного прошлого. // «Москва». – М.: 1989, №1.
12. Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документации НКВД-МВД СССР. // «Социологические исследования». – М.: 1990, №11. – С.
13. Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» в 30-е годы. // «Социологические исследования». 1991. №10. – С. 3-21.
14. Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой Отечественной войны. // «Социологические исследования». 1992, №2. – С. 3-26.
15. Земсков В.Н. Судьба «кулацкой ссылки». 1930-1954. // «Отечественная история». – М.: 1994, №1. – С. 118-147.
16. Коллективизация: истории, сущность, последствия. Беседа за круглым столом. // «История СССР», - М.: 1989. № 9.
17. Ниёзова Ф. Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг салбий оқибатлари. // «Ўзбекистон тарихи», 1999. № 4.
18. Пыхалов И. Сколько было сослано кулаков? [http: //stalinizm.ru//kulak/htm](http://stalinizm.ru/kulak/htm).
19. Суслов А.Б. Правовой статус спецпоселенцев на Урале в 30-х – начале 50-х годов. // Известия Уральского государственного университета. – 2004. - №29. – С. 118-130.
20. Шамсутдинов Р. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. // «Ўзбекистон тарихи», 2003, №1.
21. Шамсутдинов Р. Кулоқлар сургуни. // «Мулоқот», 2000, №3; №4.

5. Авторефератлар ва диссертациялар

1. Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг «кулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари (1929-1945 йиллар). // Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 2002. 162 бет.
2. Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон кишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. // Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореферати. – Андижон: 2005. 30 бет.
3. Акбарова М.Л. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан (1929-1956 гг.). // Автореф. дисс.канд. ист.наук. – Ташкент: 2010. 30 с.
4. Курбанов Х.Р. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари. 1929-1938 йиллар (ҳозирги Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари мисолида). // Тарих фанлари номзоди дисс. автореферати. – Тошкент: 2010. 31 б.